Агар барчамиз биргаликда қатъий ҳаракат қилсак, жамиятимизда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлашга албатта қодирмиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
10-yanvar
chorshanba
№ 2 (1377)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

МУНОСАБАТ

УЙҒОНАЁТГАН РУҲИЯТ

Инсон руҳиятида баъзан шундай самовий лаҳзалар кечадики, ниманидир излаётган, қандайдир мадад кутаётган дамларингизда бирдан қалбингизни бир даста нур шуълалантириб, уйғотиб юборади. Сизни қудратли қўллари билан самоларга олиб чиққандек бўлади. Сиз шунда гўё юнон асотирларидаги енгилмас паҳлавон Антейга айланасиз, қанотларнинг қудратли шовуллашини эшитасиз, қантариб қўйилган Бойчибор оёқларидаги кишанларнинг кул-кул бўлганини, Алпомишнинг ўн тўрт ботмонлик камондан ўқ узганида Асқар тоғнинг бир парчасини юлиб кетганини кўрасиз ва ҳайратга тушасиз. Томирларингизда шиддат билан оқаётган қоннинг алвонлигини ҳис қилиб, бир нафас кўз юмасиз ва уни очганингизда уфққача туташиб кетган буткул зангор япроқлар мамлакатидаги улуғ тоғлар, улуғ дарёлар, улуғ халқ, улуғ она тилнинг — она-Ватаннинг шакл-шамойилини, бўй-бастини, ўтмиши ва келажагини кўриб, унинг зарраси эканлигингиздан қувонч ва хавотирга тушасиз. Қувонч – сиз шу Ватанга дахлдорлигингиз, хавотир – унинг олдидаги фарзандлик қарзингизни қай тахлит адо этаётганингизда...

Мен Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йил охирида юрт зиёлилари билан учрашган чоғдаги мулоқотидан сўнг шундай ҳолатни ўзимда кечирдим. 2017 йил август ойидаги учрашувда ҳам мамлакатнинг бўйи баробар кўтарилган масалалар Уйғонаётган руҳият – янгиланаётган Ватан олдида турган вазифалар нақадар долзарб эканлигини чуқур ҳис қилган, “шунчаки яшаш, шунчаки ёзиш” мумкин эмаслиги – бу ҳаммамиз учун ор-номус масаласи эканлиги ҳақида чуқур ўйга ботган эдик. Мана, ўшандан бери орадан етти йил ўтди. Етти йил мобайнида мамлакат миқёсида асрлар билан бўйлашадиган оламшумул ишлар амалга оширилди.

Чинакам бозор муносабатлари асосида ташкил этилаётган муносабатлар негизида хорижий инвестицияларга йўл очилди. Дунё бизга ишонди. “Навоий байтларидек йўллар” яратилди. Болаларнинг жажжи бармоқлари кўсаклар игнасига тегиб қонамайдиган бўлди. “Болалар меҳнати”га чек қўйилди. Президентимиз таъкидлаганларидек: *“Қарийб чорак асрдан кейин Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тикладик. 2021 йилдан буён ҳар йили жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатидан юзлаб киноижодкорлар Ўзбекистонга ташриф буюрмоқда. Алишер Навоий номидаги кино саройи замонавий қиёфага эга бўлди, янги “Ренессанс” кино уйи барпо этилди. Миллий фильмлар яратиш учун давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ҳажми ҳам тобора ортиб бормоқда...*

Замонавий адабиётимизни ривожлантириш мақсадида пойтахтимизда Адиблар хиёбони, Ёзувчилар уюшмасининг муҳташам биноси барпо этилди. Ўлкамизнинг баҳаво ҳудудларида янги ижод уйлари қурилди. Самарали ижод қилаётган адибларимиз имтиёзли асосда янги уй-жойлар билан таъминланди. Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини моддий қўллаб-қувватлаш учун ҳар йили қарийб 25 миллиард сўм ажратилмоқда.

Ёш истеъдод эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Зомин семинари қайта тикланди. Навқирон шоир ва ёзувчиларнинг биринчи китоблари катта тиражларда нашр этилмоқда. Атоқли ижодкорларимизнинг таваллуд саналарини кенг нишонлаш яхши анъанага айланди.

Биринчи марта нашр этилган 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари”, 30 жилддан иборат “Мустақиллик даври навоийшунослиги”, “Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари”, “Мард аскарга совға” сингари адабий мажмуалар маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди”.

Шундай... Гуриллаб кечаётган ҳаёт салтанатида Президентимиз яна Тафаккурни, Диёнатни, Иймон ва Виждонни, Ғурур ва Имконни – Ватан фидойиларини яна мулоқотга чорладилар. Сана: 2023 йил 22 декабрь. Ер курраси бир коса сувдек қалқиб турган паллада. Шарқий Европа ва Яқин Шарқ қисмати дунё халқларини изтиробга солиб, кўзидан уйқуни қочирган бир паллада:

“Ўзимизга бир савол бериб кўрайлик: биз ҳозирги кескин шароитда ғоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёрмизми? Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб беряптими?”

Ҳа, ҳаммамизни жиддий ўйлантирадиган, ташвишга соладиган саволларни ўртага қўйяптилар Давлатимиз раҳбари.

Кимдир ўз она тилини бўтқага айлантириб гапиради. Биз жиммиз.

Не-не улуғ ниятлар билан муқаддас Каъба тупроғига борган инсон қайтиб келганида узун поянДозлар ёзилган гилам йўлакчалардан юриб, олқишлаётганларга кибр билан қараб, остонага қадам қўяди. У кибр гуноҳи азим эканлигини билмайдими? Биз эса жиммиз...

Тўйлардаги ҳашам етти пуштимизга етгулик... Биз эса яна жиммиз. Мабодо кимдир сўз қотса, бир зумда унинг оғзини ёпишади. Орзу-ҳавас деган ибора билан.

Тўртта хотин олиб, улар ўртасида илоҳий адолатни таъминлай олмаган, мустақил давлатимиз қонунларини четлаб ўтган кимса ўзини қаҳрамон деб ҳис қилади.

2 - б.

МУШОҲАДА

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ МАРРАСИ

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ҳамда натижалар асосида ишлаб чиқилган, яқин етти йилда мамлакатимизни ривожлантиришга қаратилган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва унда кўзланган мақсадларни амалга ошириш нафақат қонунларимизни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий салоҳиятни юксалтириш, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, балки маънавият жабҳасида ҳам амалий ишларимизни такомиллаштириб, бугунги кун талабларига мослаштириш, соғлом маънавий руҳият такомилини янги сифат босқичига кўтаришни талаб қилмоқда.

Ўтган йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида илгари сурилган илғор фикр ва ҳаётчан ғоялар, мамлакатимиз маънавий ҳаёти учун кечиктириб бўлмас муҳим вазифалар кенг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди, айниқса, таълим-тарбия соҳаси вакилларини янада руҳлантирди.

Мазкур тарихий йиғилишда Давлатимиз раҳбари юртимизда маданият, санъат, ижод, маънавият ва маърифат соҳаларидаги барча муҳим масалаларни таҳлил қилиб, конструктив ечим ва таклифларни илгари сурди. Жумладан, Президентимиз башарият маънавий олами мураккаб инқирозларни бошдан кечираётгани, азалий инсоний қадриятлар қайта баҳоланаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Жаҳондаги куч ва ақл марказлари туб мақсадларидан оғиб, “юмшоқ куч” воситалари орқали дунёнинг турли нуқталарида қарама-қаршилик ва кескинликларни авж олдирмоқдаки, бу минтақамиз ҳамда мамлакатимизнинг барча фуқароларидан теран фикрлаш ва маънавий ҳушёр бўлишни талаб этмоқда.

“Инсон қадри учун” ғояси ва “инсон – жамият – давлат” тамойилини ўзида мужассам этган янгиланган Конституциямиз Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда хизмат қилмоқда. Айниқса, конституцияда белгиланган нормаларни ҳаётга татбиқ этишда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси жамиятимизнинг етакчи драйверига айланади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2 баробар ошириб, 160 миллиард долларга, аҳоли жон бошига даромад миқдорини эса ўртача 4 минг долларга етказишни режа қилганмиз”. Стратегиянинг амалий натижалари яқин келажакда халқимиз ҳаётида, турмуши ҳамда дастурхонида ўз аксини топиб, уларнинг ҳаётий мўлжаллари ойдинлашиб, юртга дахлдорлик ҳисси юксалишига хизмат қилади.

2 - б.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

ХУСУСИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ:

ЖАДИДЛАР ОРЗУСИ АМАЛГА ОШДИМИ?

2023 йилнинг 11 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони, шунингдек, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори имзоланган эди. Фармон “халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида” қабул қилинди. Унда таълим ислоҳотларига алоҳида эътибор қаратилган.

Дунё тажрибасида таълим соҳасига сарфланган инвестиция ҳеч қачон касодга учрамаслиги кўп карра исботланган. Кейинги йилларда мамлакатимизда таълим, жумладан, олий таълим соҳасини ислоҳ қилиш жадал босқичга кирди. Бунинг самарасини ҳозирданоқ кўра бошладик: бу йил олий таълим муассасаларига кириш учун ҳужжат топширган абитуриентларнинг 40 фоизи ўқишга қабул қилинди. Бу рекорд натижа ҳисобланади. Яқин йилларда бу кўрсаткични 60 фоизга чиқариш кўзда тутилган.

Бунда талай омилларнинг аҳамияти бўлди, албатта. Шулардан энг муҳими – хусусий олий таълимнинг жорий этилгани.

Биз хусусий асосда фаолият юритаётган Тошкент амалий фанлар университети ректори, техника фанлари доктори, профессор Абдусалом Воҳидович Умаров билан шу борада суҳбатлашдик.

— Абдусалом Воҳидович, Сиз давлат бюджетидан таъминланадиган Наманган давлат университетига ҳам кўп йиллар раҳбарлик қилгансиз, мана, учинчи ўқув йилидирки, хусусий университетни бошқаряпсиз. Бугун ўқувчиларимизни давлат олий таълим муассасаси (ОТМ) билан хусусий олий таълим ташкилоти (ОТТ) ўртасидаги ўхшаш ва фарқли тарафлар ҳақидаги маълумот кўпроқ қизиқтиради. Суҳбатимизни шундан бошласак.

5 - б.

ФИКР

МИЛЛИАРДЛАР ҲАВОГА УЧМАЙДИ!

Ҳар қандай ривожланган давлатда ҳам унинг сиёсатини юритадиган ОАВни давлат ёки ҳукумат, қайсидир компания молиялаштиради ва ўқувчисининг гарданига ортиқча “юк” қўймайди.

Савол: нега марказий ТВ ва унинг тармоқлари давлат ҳисобидан молиялаштирилади-ю, аксарият даврий босма нашрларга бир чақа ҳам берилмайди?!

Ваҳоланки, ҳар икки ОАВ олдига қўйилаётган мақсад битта: юрт равнақи ва халқнинг маънавий-маърифий қарашларига хизмат қилишдан иборат.

Шундай экан, чекка қишлоқларгача давлат сиёсатини ёйишда босма нашрлар куч-қудратидан унумли фойдаланиш ва бу масалада уни молиялаштиришдан зинҳор чўчимаслик керак. Маърифатга сарфланган маблағ, албатта, ўзининг ижобий самарасини беради, ҳавога учмайди.

Ўтмишга назар солсангиз, ҳамма замонларда ҳам босма нашр орқали кўзланган мақсадларга эришилган.

Одилжон ИНОМОВ,
“Наманганская правда” газетаси бош муҳаррири,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

gazetalar_sharhi телеграм каналидан олинди.

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ МАРРАСИ

1-б.

Барчамизга маълумки, юртимиз жаҳон тамаддун силсиласида ўз нуфузи ва вазни билан ажралиб туради. Муқаддас заминимизда камол топган илм-фан дарғалари, дину диёнат алломаларининг бой маънавий мероси жамиятимиз равнақининг тагзамини бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бугун ана ўша силсиланинг бардавомлиги учун замин, ана шундай улуғ зотларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароит яратилмоқда. Айниқса, бугунги ғоят мураккаб ва таҳликали вазиятда ёшларимизда миллий қадриятларимиз ҳамда буюк аждодларимиз, улуғ алломаларимиз, фан, адабиёт ва санъат намояндалари томонидан яратилган хазинадан самарали фойдаланиш, унинг бебаҳолигини англаш ва ҳис қилиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш ҳар доимгидан долзарблик касб этмоқда. Ваҳоланки, шу орқали озод Ватанимиз эртанги куни ворисларида миллий ғурур, ифтихор туйғуларини ривожлантиришга, уларни маънавий етукликка етаклашга, интилиш ва изланишлар учун қанот бахш этишга эришамиз.

Миллатнинг маънавий қиёфаси, албатта, унинг илмли, салоҳиятли, заковатли халқи, ёшлари билан ўлчанади. Айниқса, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “ўзбек”, “ўзбекистонлик”, “Ўзбекистон” деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу борада ишларимизни тизимли йўлга қўйишимиз лозим, ёшларимиз қалбида ватанпарварлик, юртга дахлдорлик, юксак фуқаролик позициясини шакллантиришда амалий ишларга киришишни кечиктирмаслик айни ҳақиқат.

Турли ахборот тармоқлари орқали, асосан, четдан, баъзан ҳатто, мамлакатимизнинг ўзида ҳам Конституция ва қонунларимизга зид позициялар илгари сурилаётгани, жумладан, диний эътиқод ниқоби остида ёшларни маърифатга эмас, зўравонликка, миллий ўзлигини, маданий-маърифий ва оилавий қадриятларини йўқотишга ундаш йўли билан жамиятда зўравонлик ва турфа радикал қарашларни тарқатиш орқали жаҳолатга ундаш ҳолатлари пайдо бўлаётганига Юртбошимиз алоҳида урғу бериб, бундай вазиятда жамиятимизда жаҳолатга қарши маърифат билан курашишни кучайтириш, эҳтиёткорлик ва огоҳликни ошириш, конфессияларо ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятда бағрикенглик маданиятини ривожлантириш лозимлиги таъкидланди.

Давлат раҳбарининг “Маънавият бошқа соҳалардан олдинда юриши, янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак”, деган сўзлари ўзини шу юртнинг фарзанди деб билган ҳар бир зиёлининг шиори, фаолият дастурига айланиши орқали янада фаол бўлишга, жамиятда бузғунчиликнинг ҳар қандай кўринишда намоён бўлишига нисбатан муросасизлик муҳитини яратишда, бузғунчи мафкураларга қарши иммунитетни шакллантиришда, ҳуқуқий саводхонлик ва ижтимоий жавобгарлик ҳиссини оширишда, тинчлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашда янада фаол бўлишга, ўзларининг маънавий фазилатлари билан бошқаларга ўрнак кўрсатишга чақирди. Зеро, маънавият, миллий анъана ва қадриятларсиз, маънавий-миллий руҳсиз ҳеч бир мамлакат ўзи кўзлаган натижага эриша олмайди.

Тил – миллий қадриятларни бирлаштириб, туташтириб, намоён этиб турувчи энг мустаҳкам занжир, бой ва чексиз маънавий хазина. Миллий тилга эътибор ва эҳтиром миллатсеварлик, ватанпарварлик, олийжанобликнинг ёрқин ифодасидир. Миллий тил – миллий урф-одат, қадриятларни, миллий маънавий мерос-манбаларни билиш, ўзлаштириш, етказиб бериш, тарғиб этишда, ўзликни англаш, англатишда бирламчи восита. Буни чуқур англаган Президентимиз ўз фаолиятининг дастлабки дамларидан миллий ўзбек тилимизнинг юксалишига эътиборни кучайтирди, унинг халқаро нуфузини оширишга доир залворли қадамлар ташланди, унинг мантиқий давоми сифатида мазкур йиғилишда ҳам ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини оширишга алоҳида урғу берилди. Қувонарлиси шуки, “ўзбек тили ва адабиёти” фани ўқитувчиларига ҳам халқаро сертификатга эга бўлган бошқа фан ўқитувчиларидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча ҳақ тўланиши, ўзбек тили бўйича халқаро фан олимпиадаси ўтказилиши, ғолиб ва совриндорлари пул мукофоти билан тақдирланиши ҳамда олийгоҳларга ўзбек филологияси йўналиши бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниши каби таклифларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, ёшларимизда фахр ва ифтихор туйғусининг янада ривожланишига, ўзбек тилимиз қадр-қимматининг ошишига, жозибадорлигига, унинг жаҳон тиллари ўртасида нуфузи ва обрўси ошишига хизмат қилади.

Башар заковати дурдоналарини ўзида жам этган китоблар инсоннинг баркамол шахс бўлиб шаклланишида беназир манба бўлиб хизмат қилиши ҳаммамизга маълум. Китоблар инсоннинг онгу тафаккурини бойитади, руҳини юксалтиради, ҳаётдан завқ олиб яшашга ўргатади. Адабиётга ва илмга муштоқ инсонлар ножўя ҳаракатлардан тийилади, бунёдкорлик манзиллари томон ҳамиша собит қадам ташлайди. Шу боис юртимизда халқимизнинг мутолаа маданиятини кучайтиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар кўрилди ва кўриляпти. Йиғилишда айтилганидек, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади. Яқин келажакда миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини кўп минг нусхаларда чоп қилиш ва кутубхоналарга етказиб бериш чоралари кўрилиши, ижодий буюртмалар, муаллиф ва таржимонларга қалам ҳақи кўпайтирилиши, нашриёт ва матбаа корхоналарининг молиявий имкониятларини кенгайтириш мақсадида 5 йилга барча солиқ турларидан озод этилиши, таржима санъатини ривожлантириш, меҳнатни муносиб рағбатлантириш учун Огаҳий номидаги халқаро мукофот таъсис қилиниши, бу соҳаларни янги сифат босқичига кўтариб, миллатимиз маънавий юксалиш йўлида янги саҳифа бўлади.

Шубҳасизки, ҳар қайси давр ва маконда маънавий тараққиётсиз эзгулик мақсадига эришиб бўлмайди. Шу мақсад йўлида миллат ойдинлари халқимиз қалбида Ватанга меҳр ва мустаҳкам ишонч, тинч ва фаровон ҳаёт қуришга интилиш, одамлар қалбида бир-бирига ҳурмат, яқинлик, дўсту биродарлик туйғуларини янада ошириши каби мақсадларни шакллантиришда фидокорлик, жонкуярлик намуналарини кўрсатмоғи керак.

Садоқат СИДДИҚОВА,
Бухоро муҳандислик-технология институти ректори.

МУЛОҚОТ

Сўнгги йилларда вилоят ва туман ҳокимларининг турли соҳа вакиллари ёшлар билан бевосита мулоқот уюштириши анъана тусини олмоқда.

Бироқ аксарият учрашувлар муайян сценарийлар асосида, белгиланган тартибда ўтказилаётгани ҳам сир эмас. Айтайлик, кимнинг нимани эътироф этиши, кимнинг қандай таклиф билдириши, кимнинг нимани сўраши олдиндан келишиб олингандай таассурот қолдиради. Бу ҳолат эса кўпгина раҳбарларга ҳам маъқул келаётгандек. Зеро, бундай тадбирлар ортиқча гап-сўзсиз ўтади. Шундай бўлгач, ортиқча муаммо ва ташвишга ҳам ўрин қолмайди.

ҲОКИМ ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ

Сирдарё вилояти ҳокими Акмалжон Маҳмудалиевнинг 2023 йил сўнгида уюштирилган ёшлар билан учрашуви эса самимий мулоқот руҳида ўтиб, қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Йил сарҳисобига бағишланган анжуман аввалида вилоят ҳокими тадбир режаларини бошқа ўзанга буриб юборди. Эътиборлиси, А.Маҳмудалиев халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган, спортда муваффақият қозонаётган, санъатнинг турли йўналишларида ижод қиладиган ёшларнинг исм-шарифларини айтиб, ҳар бирига алоҳида мурожаат қилди. Уларни қийнаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш борасида қандай таклифлар бера олиши билан қизиқди.

— Бугунги ёшлар барча соҳаларда, хусусан, тадбиркорлик, илм-фан, ҳунармандчиликда ўзларининг салмоқли ўрнига эга, – дея таъкидлади вилоят ҳокими. Улар ўз соҳалари ривожига ҳисса қўшиш билан бир қаторда вилоят иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи кучга айланмоқда. Янги йилдан ёшлар билан ҳар ойда икки маротаба учрашувлар ташкил этилади. Бу учрашувларда уларнинг таклифлари тингланиб, мавжуд муаммоларига ечим топилади.

Тадбир қатнашчиларидан бири болалигидан рассомчилик билан шуғулланувчи Каромат Умарова яқинда ташкил этилган Инклюзив аукционда расмлар композицияси билан қатнашгани, асарлари 3 500 000 сўмга сотилганини айтиб ўтди. Республика миқёсида ўтказилган танловда иштирок этиб, 1-ўринни олганини ҳам қайд этди.

Вилоят ҳокими Каромат сингари метин иродаси, тоғдек бардоши билан шундай санъат асарларини яратиб келаётган истеъдодли ёшларнинг ижод намуналарини халқаро танловларга жўнатиш чораларини кўриш борасида мутасаддиларга кўрсатма ва топшириқлар берди.

Энг муҳими, тадбир давомида ҳеч кимнинг таклиф ва мулоҳазалари беэътибор қолмади. Яқинда IELTS сертификати олган ёшлар ўз фикрларини инглиз тилида билдиришди. Бунга жавобан вилоят ҳокими ҳам барчани ҳайратда қолдириб, хорижий тилда жавоб қайтарди. Бу эса навқирон авлод вакилларининг чет тилларини ўрганишга бўлган қизиқишини орттириши шубҳасиз.

Шундан сўнг ўтган йили илм-фан, маданият, таълим, санъат, спортда юксак марраларга эришган ёшлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Ёшлар билан доимий, тизимли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган ташкилотларга пул мукофотлари топширилди. Хусусан, инклюзив аукцион иштирокчиси Каромат Умарова ҳамда ёш дастурчи Миразиз Нарзиқулов вилоят ҳокимининг махсус совғаси билан тақдирланди.

“Ёшлар маркази”да ташкил этилган кўргазмали чиқишлар ва навқирон авлод вакиллари тайёрлаган амалий санъат намуналари ҳам йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди.

Баҳром БОЙМУРОДОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

УЙҒОНАЁТГАН РУҲИЯТ

ёки она-Ватан ҳар бир юракларда бўлсин!

1-б.

Биз эса ҳамон жиммиз.

Ижтимоий тармоқлардаги ҳолатлар: халқимиз шаънига, қадриятларига тинмай тош отишлар, она тили грамматикаси – ёзишдаги чаласаводлик.. Булар бари ўзимизни шу она Ватанга масъул фарзанд деб билган инсонларнинг олдидаги ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масалалардир. Шу ерда Президентимизнинг ушбу сўзларини иқтибос қилиб келтираман: *“Ҳаммамиз бир ҳақиқатни унутмаслигимизни истардим. Ҳаёт бор экан – жаҳолат ҳам, маънавий таҳдидлар ҳам бўлиши табиийдир. Аммо энг хатарлиси – юрт келажагига лоқайдлик, эзгу қадриятларга нисбатан бепарволикдир”.*

Бироқ биз ўзлигимизни, ўзбеклигимизни, она-Ватанимизни кўз қорачиғидек асрашга қодир халқмиз.

Асосий қонунимиздаги фундаментал принциплардан келиб чиқиб, ишлаб чиқилаётган Дунёвий давлат концепцияси...

Коррупция ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган тезкор тадбирлар...

Ёшларимизни миллий ва умумбашарий ғоялар асосида камол топтириш мақсадида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 40 та театр учун ҳар йили 40 та янги спектаклга давлат буюртмаси асосида 15 миллиард сўм ажратилиши фарзандларимиз қалбини тарбиясиз кимсалардан асраб қолиш йўлидаги муҳим амалий ҳаракатлардир.

Болалигимдан халқ оғзаки ижодини мутолаа қилиш севимли машғулотимга айланган. Таъбир жоиз бўлса, халқ оғзаки ижодида унинг юраги уриб туради. Содда ва буюк бадиий ифодалар, шеърлар, достонлар, лапарлар, айтишувлар инсон руҳининг илк тарбиячиларига ўхшайди. Бу соҳада янада катта имкониятлар яратилаётганини Президентимиз нутқларида эшитиб, тилла топган қулдай қувондим. Ахир ҳаммамиз ҳам қалби шоир халқнинг болаларимиз-да...

Шунингдек, Президентимиз мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш бўйича амалга оширилаётган катта ишлар хусусида тўхтаб, ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари ҳам халқаро сертификатга эга бўлган бошқа фан ўқитувчиларидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча ҳақ билан таъминланиши кераклигини, миллий сертификатга эга бўлган ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиларига келгуси ўқув йилидан бошлаб 50 фоиз устама тўланиши, бунинг учун 2024 йилда қўшимча 10 миллиард сўм, 2025 йилда эса 30 миллиард сўм ажратилиши ҳақидаги фикрлари нур устига аъло нур бўлди.

Бундан ташқари, ўзбек тилидан бошқа тилларга ихтисослашган мактабларда давлат тилини ўқитиш соатлари кўпайтирилиши, ўзбек тили бўйича халқаро фан олимпиадаларининг ўтказилиши, ғолиб ва совриндорларнинг пул мукофоти билан тақдирланиши, улар мамлакатимиз олий ўқув юртларининг ўзбек филологияси йўналиши бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниши она тилимизнинг кенг қулоч отиши учун яратилаётган имкониятлар эшиги демакдир. Яна шундай имкониятлардан навбатдагиси Президентимизнинг таъкидлашларича: “Жамиятимизда китобхонлик маданиятини ошириш бўйича бошланган ишлар”нинг давом эттирилишидир. Келгуси йилдан миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини кўп минг нусхаларда чоп этиш ва барча кутубхоналарга етказиб бериш ушбу йўлдаги қутлуғ қадамлардан бўлиб, халқимиз дилидаги айни эзгу амаллардан бўлди.

Шу билан бирга, ҳар йили энг яхши бадиий асарлар яратиш, таржима қилиш учун ижодий буюртмалар берилиб, муаллиф ва таржимонларга муносиб қалам ҳақи тўланиши ижодкорлар учун ҳам бериладиган моддий имкониятлар ифодаси, десак хато бўлмас.

Шунингдек, “Ёшлар учун – минг китоб” лойиҳасини амалга ошириш, буюк аждодларимиз ҳақида болалар тушунадиган тилда содда, равон асарлар яратиш масаласи ҳам биз ижодкорлар олдига қўйилган қутлуғ вазифалардан биридир.

Денгизнинг сувини ҳовучга тўлдириб бўлмайди. Муҳтарам Президентимиз билан бўлган мулоқот мисоли бир денгиз бўлиб. унда белгиланган ҳаётбахш ғоялар ва режалар ҳаммамиз учун азиз бўлган она-Ватанимиз тараққиётига хизмат қилади. Улуғ шоиримиз Рауф Парфи бир шеърида “Юрагим, исмингни унутма” деб хитоб қилади. Биз ҳам шундай деймиз: Юрагим! Она-Ватан сенинг исминг. Биз доим сен билан биргамиз!

Шарифа САЛИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 27 ноябрдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида қандай ишлар амалга оширилиши керак?

Бу саволга Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, юридик фанлари доктори, профессор Фозилжон ОТАХОНОВ жавоб берди.

КОРРУПЦИЯГА ОЧИҚЛИК ОРҚАЛИ ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

– Фармонга кўра, ҳар чоракда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги давлат органлари ва ташкилотлари кесимида содир этилган коррупцияга оид жиноятларни таҳлил қилиб боради.

Шундай жиноятлар кўрсаткичи ошган давлат органлари ва ташкилотларига кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгилаш учун Агентлик ходимлари иштирокида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиб борилади.

Шунингдек, ҳар ярим йилда жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга имкон берган омилларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишларида тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилиб борилади.

Фармон билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури тасдиқланди.

Дастур асосида давлат бошқаруви ва давлат хизмати, маъмурий тартиб-таомиллар, давлат харидларини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳаларида ҳамда суд-ҳуқуқ тизимида коррупциянинг олдини олиш чоралари кўрилади.

Коррупцияга қарши курашишнинг институционал асослари такомиллаштирилади.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича зарур ишлар олиб борилади.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик кучайтирилди.

Дастурда шу каби 30 та чора-тадбир белгиланиб, уларни амалга ошириш механизми, ижро муддати, молиялаштириш манбалари ва масъул ижрочилар аниқ кўрсатилди.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини янада такомиллаштириш мақсадида Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати белгиланди.

Ҳудудлар кесимида “Ҳаж” тадбирига бориш учун навбатда турган зиёратчиларнинг ягона онлайн навбати тўғрисида (зиёратга борувчи шахснинг аризаси навбатга қўйилган сана ва рўйхатдаги тартиб рақами)га оид маълумотлар очиқ эълон қилинади.

Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш учун берилган аризалар навбати (рўйхати) тўғрисида (ариза навбатга қўйилган сана, рўйхатдаги тартиб рақами, ёш гуруҳи ҳамда ташкилот рақамига оид) маълумотлар эълон қилиб борилади.

Давлат органлари ва ташкилотларида давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомилларини белгиловчи харид комиссиясининг ички идоравий тартиби (низом, регламент, йўриқнома ёки бошқа ички идоравий ҳужжат) ҳамда марказий, ҳудудий ва тизим ташкилотларида бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари, номзодларга қўйиладиган талаблар ва тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам оммага очиқ эълон қилинади.

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларга тақдим этилган грант ва ижтимоий буюртма лойиҳалари ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан, ғолиб бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уларнинг буюртма доирасида бажарган ишлари юзасидан ҳисоботлари ҳақидаги маълумотлар киритилгани ушбу соҳаларда коррупциянинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, юқоридаги каби муҳим тизимларда очиқлик кенг жорий этилаётгани бу иллатга чек қўйишга хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

МУЛОҲАЗА

Илму ижод мўъжизаси халқни буюк мақсадлар сари бошлайди, ижодкору зиёлилар эса элнинг кўрки, зийнати саналадилар.

Давлатимиз раҳбарининг йил охирида бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида илму тафаккур, маданияту санъат, ижод аҳли билан қурган самимий суҳбатидаги она тилимизни ардоқлаш, миллий қадриятларимизни келгуси авлодга соғу омон етказиш борасидаги ниятлари ҳар биримизга куч-қувват, юксак рағбат берди.

Янги йилни кутиб олишга ошиқаётган ўша дамларда юртдошларимизнинг юзларидаги қувончларига боқиб, ҳали устозларини Фанлар академиясининг академиги шарафли унвони билан табриклаётган, ҳали "Олимлар байрами" муносабати билан шогирдларини байрам тадбирига чорлаётган, "Йил аёли" республика танловида олий ўрин эгаллаган оддий мактаб ўқитувчисининг шодлигига шерик бўлаётган зиёлиларимизни кўриб, меҳнатидан барака топган инсонларнинг ўз юртида қадр топаётганига ҳаваси келади кишининг.

ВАТАН БЎЛИБ БИРЛАШСАК...

Миллат юксалишининг асосий негизларидан бири бўлмиш маданият ва санъат соҳасидаги янгиланишлар эса инсон руҳияти, кайфияти билан, юраги билан ишлашга мойил ушбу соҳа кишиларининг юрак призмаларидан ўтаётгани рост гап. Юракдан чиққан сўз юракка етиб боради, азиз фарзандларни юртга муҳаббат, шукроналик ва эзгуликка камарбаста қилиб тарбиялаш эса ҳар бир зиёлининг умр мазмунидир.

Янги Ўзбекистон маданий сиёсатидаги ёрқин воқеалар, ислоҳотлар тадрижи Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғоясини илгари сураётган маърифатпарвар халқнинг бугунги кундаги кайфияти, "Инсон қадри учун" ҳикматининг амалдаги исботи ушбу файзиёб танловларда баралла кўринмоқда. Мирзо Бедилнинг "Илм инсоният гавҳаридир" деган ҳикмати бизнингча, илмни қадрлаганлар, китобни, мутолаани қадрлаганларнинг ҳаётларида йўлчироқ бўлиб порлаб туради.

Муқаддас ҳадисларда "Сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор" дейилган табаррук каломни учратамиз. Сўзнинг сеҳри инсониятни ўз ўқи атрофида адашмай айланиб туришига катта хизмат қилади. Зотан сўздаги илоҳий сирни, ҳайратангиз сеҳрни англаган, ҳис қилган инсон ҳаётнинг асл маъносини, мавжудиятнинг бор ҳақиқатини тушуниб етади. Сўзлардаги ана ўша тилсимли ҳақиқатни англаш ва англатишдек қутлуғ вазифа шоиру шуарога, фозилу фузалога, олиму уламога бекорга тортиқ қилинмаган.

Ота-боболаримиз айтганларидек, бошқа фанлар илмнинг улкан намояндаларини етиштириши мумкин, адабиёт эса фидойиларни камолга етказади. Чунки адабиёт инсон руҳининг муҳандиси ҳисобланади. Адабиётсиз ҳаёт жуда ғариб ва қашшоқ бўлиб қолган бўлар эди.

Муаззам адабиёт карвонини ёруғ манзиллар сари етаклаётган, бу карвонларнинг бекатларини меҳр чироқлари билан ёритиб турган, карвонларнинг зиёларини халққа етказишга камарбаста бўлиб турган давлат миллатпарвар, ватанпарвар болаларни тарбиялайди, вояга етказади, бунга қатор ривожланган давлатларнинг тажрибалари гувоҳлик беради.

Бекорга давлатимиз раҳбари адабиётни миллат мураббийи деб атамайдилар.

Кўриб турибмиз, саксон йилдан ортиқ ўз биноси бўлмай ижарама-ижара фаолият кўрсатиб келаётган Ёзувчилар уюшмасига муҳташам бино қуриб берилди, Зомин ижодкор ёшлар семинари қайта иш бошлади, диёримизнинг энг дилбар масканлари – Ўриклисой-у Заркентда адиблар учун оромгоҳлар очилди, юзга яқин адиблар учун имтиёзли асосларда уй-жойлар берилди, юзлаб ёшларнинг биринчи тўпламлари, юзлаб шоиру ёзувчининг ижод байрамлари ўтказиб келинмоқда. Уюшмада ҳар куни бир муаллифнинг асари, таржимаси тақдимот қилинади. Бир кун тиним йўқ, ижод жараёни қайнайди.

Азим Тошкентнинг қоқ марказида ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойида "Адиблар хиёбони" бунёд этилди.

Президентимиз томонидан "Дўстлик" ордени билан мукофотланган Озарбайжон халқ ёзувчиси Анор муаллим хиёбонда сайр этар экан: "Мен дунёни кезган одамман, бошқа бирор юртда Ўзбекистонда адиблар учун қуриб берилган ҳашаматли бино каби кошонани кўрган эмасман, буни адабиётга эътибор дейдилар. Мен Ўзбекистон Президенти томонидан қилинаётган эзгу ишларга ҳавас қиламан. Мен "Бешинчи қаватли уйнинг олтинчи қавати" деган асар ёзганман ва айни дамларда ўзимни ўша уйнинг олтинчи қаватида тургандек ҳис этаяпман!" деган дўстона изҳори Ўзбекистон улкан маърифий ўзгаришлар юртига айланаётганининг жаҳоншумул эътирофи эди. Давлат раҳбарининг меҳнатига, шижоатига қардош халқ ёзувчисининг берган баҳоси эди бу!

Туркий тилли давлатлар адабиётларининг энг сара намуналаридан иборат "Туркий адабиёт дурдоналари" деб номланган 100 жилдлик китоблар туркумида умумтуркий адабиётнинг етук намояндалари, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, шунингдек, кузатувчи мамлакатлар – Туркманистон ва Венгрия давлатларининг атоқли шоир, адиб ва мутафаккирлари асарларидан иборат ушбу нодир тўпламдан Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит-турк", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибат ул-ҳақойиқ", Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийнинг "Ҳикматлар"и, Носириддин Рабғузийнинг "Қиссаси Рабғузий" каби мумтоз асарлари, Алишер Навоийнинг "Сайланма ғазаллари", "Замонавий ўзбек насри антологияси" ўрин олгани, ватанимизда ўзбек тилида нашр қилинган "Туркий адабиёт дурдоналари" 100 жилдлик мажмуасининг, Алишер Навоийнинг Тошкентда янги чоп этилган 5 жилдлик "Хамса" мажмуаси, ҳурматли Президентимиз сўзбошиси билан чоп этилган Юнус Эмро асарларининг ўзбек тилидаги нашри Турксой халқаро кутубхонасига тақдим этилгани адабиётга бўлган эътиборнинг намунасидир.

Ёки бўлмаса, ёшлар мутолаа маданиятини юксалтириш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш борасида ўтказилаётган "Ёш китобхон" танлови ўтган етти йил мобайнида бутун мамлакат ёшларини қамраб олгани, минглаб мутолаа ихлосмандларининг энг чекка ҳудудларда ҳам китобга, адабиётга ихлослари муносиб баҳоланаётгани, бутун республикамиз улкан кутубхонага айланганидан дарак беради. Танловда қатнашган тўрт миллионга яқин ёшларнинг ўн етти нафари Президент соврини — "Spark" автомобилларини қўлга киритганлари маърифат ғунчаларининг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида ўз ўринлари борлигининг эътирофи бўлди.

Эътирофларни ёзяпман-у, Давлатимиз раҳбарининг кечагина она тилига бўлган муносабати ва эътиборли мулоҳазалари, яъни ўзбек тилини ўқитиш самарасини ошириш, миллий сертификатга эга бўлган "Ўзбек тили ва адабиёти" ўқитувчиларига янги ўқув йилидан бошлаб 50 фоиз устама тўланиши, ўзбек тили бўйича халқаро фан олимпиадалари ўтказилиши ҳақидаги яхши ниятлари муаллимларимизга нечоғли ғайрат ато этишини кўз олдимга келтираман. Бу маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний бундан юз йил илгари "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурғон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак, миллатнинг руҳини йўқотмакдир" деган ҳикматли таъбирларига муносиб жавобдир.

Эсимда бор, 2017 йил 3 августда мамлакат раҳбарининг бир гуруҳ ижодкор зиёлилар билан бўлган учрашувда соҳа тараққиётига янги тамал тоши қўйилган эди. Учрашув топшириқлари натижаларига асосан алоҳида иқтидор талаб этиладиган олийгоҳлар учун кириш имтиҳонларини ижодий суҳбат шаклида ташкиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларига халқ суйган маданият ва санъат дарғаларини раҳбар этиб тайинлаш, республика даражасидаги маданият ва санъат муассасаларига иқтисоди мустаҳкам идоралар жамоалари билан "Дўстлик клублари" шаклида моддий кўмаклашиш имконияти яратилди, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона филиали ташкил этилди.

1997 йилдан бери ҳар икки йилда бир марта анъанавий тарзда ЮНЕСКО халқаро ташкилоти шафелигида Самарқандда ўтказилиб келинаётган "Шарқ тароналари" мусиқа фестивали нафақат Шарқ халқлари, балки бутун дунё санъатсевар халқлари ўртасида ижодий дўстлик ришталарини боғлагани, Самарқанди фирдавсмонанд жаҳоннинг мусиқий пойтахтига, қадимий Регистон мусиқий саҳнага айланганини билардик, бу санъат анжуманининг мантиқий давоми қатор халқаро фестивалларда бўй кўрсатди.

Беназир санъатимизнинг олий даражадаги акс-садоси, ўн икки асрдан бери ардоқлаб келаётганимиз — миллий мақом байрамининг Шаҳрисабзда Халқаро мақом санъати фестивали даражасида ўтказилгани, "Шашмақом"ни Европа мамлакатларида мусиқа мутахассислари, ихлосмандлари ҳам турли концерт ва фестивалларда тинглаб, юқори баҳолаётгани, мақом санъатини Германия, Франция мусиқа мутахассислари тадқиқ қилаётгани мумтоз санъат оламида янгилик бўлди, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти фаолияти йўлга қўйилгани, ҳудудларда ихтисослаштирилган мақом мактаблари очилгани – миллий ўзликни англашнинг қойилмақом кўринишидир.

Афсонавий Жайҳун ва Сайҳун оралиғидаги цивилизациялар яратган азиз ота-боболаримиздан қолган миллий қадрият – бахшичилик санъатига берилган эътибор натижасида Термиз, Нукус, Гулистон шаҳарларида Халқаро бахшичилик фестивали ўтказилди, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтида "Бахшичилик ва достончилик" таълим йўналиши бўйича иқтидорли талабалар ўқишни бошлади. Кўз очмаган булоқлар – янги истеъдодлар учун олтин зина бўлиши тайин. Уч маротаба ўтказилган фестивалда АҚШ, Болгария, Эрон, Жанубий Корея, Молдова, Россия, Туркия, Франция, Хитойдан ташриф буюрган бахшилар ва соҳа тараққиётига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётган олимлар иштироки ва биздаги бу санъат тараққиёти ҳақидаги фикрлари ўзи бир дунё бўлди.

Мутахассислар яхши билади, юртимизда 8 мингдан зиёд маданий мерос объекти мавжуд. ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига биздан 10 та мерос – "Бойсун тумани маданий макони", "Шашмақом" мумтоз мусиқаси, "Катта Ашула", "Аския санъати", "Наврўз", "Палов маданияти ва анъаналари", Марғилон ҳунармандчиликни ривожлантириш маркази: (атлас – адрас), Хоразм рақси "Лазги", "Миниатюра санъати" ва "Бахшичилик санъати"-номзодномаси киритилди.

Яна бир нуфузли Халқаро анжуман – Халқаро ҳунармандчилик фестивалида Қўқон шаҳрига ёғоч ўймакорлиги бўйича Ҳунармандчилик шаҳри мақоми берилгани, шу давргача жаҳоннинг турли мамлакатларидаги 35 та шаҳаргина мазкур мақомга сазовор экани, Қўқон шаҳри Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ичида биринчи бўлиб ушбу рўйхатга киритилгани ҳам жаҳонаро эътирофдир, аслида. Биринчи ҳунармандчилик фестивалининг очилиш маросимидаги ёрқин ва файзиёб манзара жаҳон ҳунармандларининг таҳсинига сазовор бўлгани ҳақида ҳалигача фахр билан сўзлаймиз. Ўшанда фестиваль доирасида олти авлоди наққош уста бўлиб танилган машҳур уста Муҳаммадали Юнусов театрлаштирилган бадиий қисм фонида, саҳнанинг бир чеккасида, томошабинларнинг кўз ўнгида қирқ минут давомида элликка яқин шогирдларига бош бўлиб, битта мих ишлатмасдан миллий услубдаги саккиз устунлари ярқираган нақшинкор, кунгурадор ниҳоятда нозик дид билан ишланган маҳобатли айвонни битиришганида хорижлик меҳмонлар завқланиб, қарсак чалиб юборишганди. Оппоқ яктак кийган усталарнинг барча томошабинлар, кўплаб камералар кўз ўнгида бажарган ишлари дунёнинг нариги четидаги томошабинларнинг ҳам олқишларига сазовор бўлган эди.

Ахир, бундай ажиб меҳнат жараёнини, ҳайратли манзарани қиёслаш учун сўз топиб бўлмас!

Тафаккур ўзгармаса, жамият ўзгармайди, маърифат ривожланса, миллий тафаккур ривожланади. Давлат раҳбарининг самимий суҳбатидан ҳар бир ижодкорнинг кўнгли тоғдек кўтарилганини, Ватан бўлиб бирлашиш, фарзанду набираларга маърифатли қадриятларни басаломат етказмоқни шараф деб билганларини ҳар бирларининг чақноқ нигоҳларидан билиш мумкин.

Улуғларимизнинг: "Бир даста таёқни бирга боғлангиз, кимса синдиролмас. Агарда ажратсангиз бир-бирини ҳар ким синдирар" деган доно ўгитлари зиёлиларимизнинг йўлларида йўлчироқ бўлади.

Сўз ҳам, овоз ҳам, соз ҳам, иқтидору талант ҳам Яратганнинг халқ хизмати, яхши ниятларига вобаста бўлиш учун берган омонати, қарзидир. Адолатли ва шиддатли ислоҳотлар эса ҳар бир ижодкорнинг юраги орқали ўтади. Юракдан чиққан сўз юракка етиб боради, азиз фарзандларни юртга муҳаббат, шукроналик ва эзгуликка камарбаста қилиб тарбиялаш эса ҳар бир зиёлининг умр мазмуни бўлмоғи керак. Ниятлар амалларга қараб бўлғусидир, амаллар эса эзгулик яратишдан иборат.

Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Сайёра ТЎЙЧИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира.

НУҚТАИ НАЗАР

МАЪНАВИЯТ — БЕБАҲО ОЛАМ

Тошкентнинг қоқ маркази – Навоий театри майдони рўпарасида жойлашган "Шарқ зиёкори" китоб дўконида бўлганмисиз? Бу жой пойтахтимиздаги энг гўзал зиё маскани, бу ерда шу қадар бебаҳо хазиналар борки, ундан истаган китобни топиш мумкин. Ўзбек адабиётининг энг сара асарларини дейсизми ёки жаҳон адабиёти дурдоналарини истайсизми, барчаси бор.

Фақат...

Яқинда шу жойга бориб китоб танлаш учун 45 дақиқа вақт сарфладим. Шунча муддат мобайнида бу ерга мендан ташқари битта одам таширф буюрди. Унга кимдир қўнғироқ қилди. Телефони баланд овоз режимига қўйилган экан, қўнғироқ қилган одам: "Қаердасан?", деб сўради. "Китоб дўконидаман", деб жавоб қилди. "Эсинг жойидами? У ерда нима бор?" деб сўраганди: "Китоб кўраяпман", деди. "Ҳозир мен машинада етиб бораман, кўчага чиқиб тур", деб буюрди қўнғироқ қилган киши.

Мен ўзим танлаган китобларнинг ҳақини тўлаш учун кассага ёндашдим. Бу ердаги сотувчи қизлардан сўрадим:

— Дўконда харидорлар йўқ-ку. Ҳар доим шунақами ёки ҳозир шундай бўлиб қолдими?

— Кун бўйи шу аҳвол. Одамлар китоб ўқимай қўйишдими, билмадик, китобларни озиқ-овқат маҳсулотлари олдида сотсакмикан?

Ажабо! Китобдан узоқлашган одамлар газетага ҳам лоқайд бўлиб қолишгани аниқ. Китоб дўконидан нари юрган ёшларга, ўқувчиларга мурожаат қилгим келади. Сизлар ҳаётнинг асл мазмуни китобларда эканлигини билмас экансиз. Бутун диққат-эътиборни телефонларга, ижтимоий тармоққа қаратиш — бу бир томонлама қизиқиш эканлигини унутманг. Чин маънода дунёқарашингизни бойитиш учун китобга ошно тутунинг. Агар китобхонликдан воз кечсангиз, умрингиз беҳуда ўтади. Кейин кеч бўлади. Ўз ҳаётингизни мазмунга бой, маъноли ўтказмоқчи бўлсангиз, албатта, китоблар оламидан узоқлашманг. Китоб шундай мўъжизаки, у инсонни бунёдкорликка яратувчанликка ундайди. Китобни қалбингизга ошно тутсангиз, бутун коинот сизга ёрдам беради.

Ахир, одам боласи фақат қорин учун яшамайди-ку?! Ҳаётимиз эзгу қадриятлар, маънавият билан мазмунли эмасми?! Агар кимдир сизга фақат нафс учун яшайсиз деса, хафа бўлишингиз табиий гап. Инсон ўз умрининг гўзал бўлишини таъминлаши учун Ватанини, ватандошларини севиши керак. Бунинг учун маънавиятли бўлиш зарур.

"Мен газета ўқимай қўйганимга анча бўлди". Бу сўзни баъзилар мақтаниб айтишади. Гўё бундай зотлар ўзини киборлар тоифасидан, майда-чуйдалардан холи ҳисоблайди. Агар газетадан, китобдан узоқлашганингизга анча бўлса, маънавиятингиз ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.

Ўтган йил якунида юртимизда муҳим воқеалар содир бўлди. Аввал коррупцияга қарши курашган инсонлар юксак мукофотлар билан тақдирланди. Кейин Ўзбекистон Президенти раислигида Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Биринчи тадбирда дунёнинг турли жойидан келган фидойи одамлар иштирок этишди. Иккинчи тадбирда маданият ходимлари, ёзувчилар, санъаткорлар, журналистлар қатнашишди. Бир-биридан фарқ қилувчи мавзуларда анжуман бўлди. Лекин иккала тадбирни ўзаро боғлаб турадиган масала бор эди. Коррупцияга қарши курашиш учун инсон иймонли, инсофли, диёнатли, маънавиятли бўлиши керак.

Коррупцияни йўқотиш учун инсон қалбида Ватан ғурури, ор-номус, ифтихор туйғулари жўш уриши керак. Битта жойда ўша иллат рўй берса, бу хусусий ҳол эмас, аксинча, жамиятга доғ тушгандай қабул қилиниши керак. Қатар амири коррупцияга қарши курашганларга юксак мукофотни топшириш маросимини нега айнан Ўзбекистон пойтахти Тошкентда ўтказишни танлади? Чунки бизнинг заминимизда коррупцияга қарши курашиш борасида тўғри йўл танланган.

Инсоннинг ҳаётга муносабати йиллар ўтган сайин ўзгариб бораяпти. Қачонлардир илк бор тракторнинг ҳаракатини кўрган одам "Шайтон арава" деган бўлса, гапириб турган радиони бир буюм билан уриб ўчиришга уринган бўлса, эндиликда тезюрар поезду ракеталар суръатидан ҳам ажабланмай қўйди.

Турмуш тараққиёти ҳар қанча юксалмасин, барибир инсон кўнгли, маънавий олами эзгуликка эҳтиёж сезаверади. Бу эҳтиёжни ақлли машиналар, тараққий этган роботлар қондиролмайди.

Маънавияти юксак, иймони бутун одам қанақа бўлади? Мен шундай бир одамни танирдим. Асли наманганлик бўлган манбашунос олим, филология фанлари доктори, профессор Исматилла Абдуллаев Тошкент шаҳридаги академиклар шаҳарчасида яшар эди. Ҳурматли домла ўзи яшаётган маҳалланинг бирор фарзанди эътиборсиз ўтса, дарҳол тўхтатар ва ундан сўрарди: "Болам, сиз кимнинг фарзандисиз?". Бола жавоб бергач, "Ие, отангиз жуда яхши олим-ку, нега салом бермай ўтяпсиз?" Унга жавобан бола: "Ассалому алайкум" дейди. "Бу бошқа гап, ҳамиша шундай бўлсин" дерди. Шундан сўнг олимлар маҳалласида ҳамма саломга ўрганибди. Шу домланинг фидойилигини эшитган наманганликлар алоҳида уй-жой ҳозирлаб вилоятларига таклиф қилишибди. Устоз ҳам юртига қуруқ бормади, бутун умр тўплаган китобларини наманганлик ёшларга туҳфа қилди.

Наманганлик маънавият жонкуяри Зиёвуддин Мансурнинг ҳикоя қилишича, Исматилла Абдуллаев 60 ёшида ўз ўқувчиларига, 70 ёшида ногиронларга ош қилиб шукрона дастурхони ёзибди. Бу тадбирлардан моддий даромад қилишни хаёлига ҳам келтирмаган. Баъзан айрим кишиларга бирор вазифа қўйилса, "Бунинг учун мукофот бериладими?" деб сўрашади. Зотан, биз ихлос қўяётган жадид боболаримиз жамики савобли ишларни ўз фидойиликлари эвазига бажаришган.

Президентимиз барча ишларни маҳаллалар орқали амалга оширишни таклиф қилаётгани жудаям ўринли. Ахир инсон тафаккури, ҳаётга нисбатан масъулияти маҳаллада, оила бағрида вужудга келади. Агар маҳаллада маънавият ишлари яхши йўлга қўйилса, ҳаммаси рисоладагидек бўлади.

Ҳозирги пайтда корхона ва ташкилотларда раҳбарлик қиладиган кадрларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин. Биринчи тоифаси маънавиятни тушунадиган кадрлар, иккинчи тоифа фақат хўжалик кўрсаткичларини биладиган кадрлар. Иккинчи тоифа вакиллари учун хаёлида фақат "гектар, центнер, тонна, фоиз"ни ифодаловчи кўрсаткичлар ғужғон уриб, бутун кучни бир томонлама сарфлашга уринади. Маънавиятни яхши тушунадиган раҳбарлар ҳаётга кенг миқёсда фикр юритиб, қайси мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилаётганини яхши биладилар. Юртимизда меҳнат қилаётган вилоят ва туман ҳокимлари орасида қайсилари замон талабларига муносиблигини ҳалқимиз яхши билади.

Сирдарё вилоятида Абдураҳим Жалолов (охирати обод бўлсин) деган ҳоким бўларди. Таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад билан вилоятга борганимизда ҳоким: "Яқинда газетада маҳаллий ижодкорнинг куз манзаралари этюдини ўқиб маза қилдим" деганда ҳайратланган эдик. Сон-саноқсиз ташвиш билан банд бўлган инсон шу мақолани ўқигани, ҳатто ундан таъсирланганига қойил қолгандик. "Мен бу этюдни ўқиб, Пушкин ҳикояларини эсладим" деганда, очиғи, лол бўлиб қолдик. Демак, суҳбатдошимиз азалдан мумтоз адибларнинг асарларини ўқиган. Ундай одам билан суҳбатлашиш ҳам мароқли.

Маънавият шундай бебаҳо оламки, уни бировларнинг буйруғи билан эгаллаб бўлмайди. У инсоннинг нечоғли тарбия топганлиги, ҳаётга муносиб қарашига боғлиқ.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ҲАРБИЙЛАРГА ЖУРНАЛИСТЛАР ТУҲФАСИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан Самарқанд шаҳридаги Кичик мутахассислар тайёрлаш марказида “Янги Ўзбекистон армияси — мамлакат қудрати, юксак ғурур ва садоқат тимсолидир!” шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Ушбу марказнинг Маънавият ва маърифат масканида ташкил этилган тадбирда Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, Навоий ва Жиззах вилоятидан келган журналистлар, маҳаллий ОАВ вакиллари, марказга туташ ҳудудда яшовчи маҳалла фаоллари, таълим муассасалари ўқувчи-ёшлари иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов, уюшманинг Самарқанд вилояти бўлими раиси Акрам Ҳайдаров ва бошқалар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 14 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 32 йиллигини ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши ижроси доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани, мамлакатимизда ҳарбийларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини юксалтириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

— Ота-боболаримиз, момоларимиз юртимизда доимо тинчлик-осойишталик бўлишини сўраб дуо қилади, — деди Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов. — Бу бежиз эмас. Зеро, тинчлик бор жойда фаровонлик, ривожланиш бўлади. Осойишталик бўлса, хотиржамлик бўлади, неъматлар татийди. Бугунги маънавий-маърифий тадбиримизда ана шулар ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда курсантларнинг ҳарбий тайёргарлик бўйича кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

— Марказда алоҳида муҳандислик, алоқа, зирҳли танк хизмати, артиллерия, қуруқликдаги қўшинлар ва ҳаво ҳужумидан мудофаа сингари 10 дан ортиқ йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш тизими йўлга қўйилган, — деди Кичик мутахассислар тайёрлаш маркази раҳбари, полковник Анвар Жабборов. — Курсантларнинг бу ерда ўзлаштирган билим ва кўникмалари келажакда Ватанимизга садоқат билан хизмат қилишида қўл келишига ишончим комил.

Тадбир якунида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан марказ кутубхонасига турли адабиётлар, шунингдек, уюшма томонидан нашр этилган китоб ва журналлар тўплами туҳфа этилди.

Шунингдек, маънавий-маърифий тадбир иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги Маҳмудхўжа Беҳбудий уй-музейида ҳам бўлишди.

Ушбу музейнинг оммавий ахборот воситалари ходимлари учун оҳанрабодек жозибаси бор. Чунки музей ўзбек журналистикаси тарихидан сўзлайди, миллий матбуотимизнинг тамал тошини қўйган жадид боболаримизнинг ўгитларидан сабоқ беради.

Тарихдан биламиз, айнан мазкур музей биносида “Самарқанд” (ҳозирги “Зарафшон”) газетаси, “Ойина” журнали чоп этилган. Маҳмудхўжа Беҳбудий 1908 йилдан бошлаб Самарқандда газета чиқариш учун ҳаракат қилган. Унинг бу нияти 1913 йилга келиб тўлиқ амалга ошади. Таъкидлаш жоиз, ўша пайтлар маъмурларининг газета чиқаришга рухсат бериши осон кечмаган. Улар маҳаллий тилда чиқадиган матбуотни ўзлари учун ортиқча дахмаза, ташвиш деб билганлар.

Дарҳақиқат, мазкур музейда Туркистонда жадидчилик ҳаракати етакчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий ижоди ва ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар, ўша давр маданияти, маърифати, илм-фан ривожига ҳисса қўшган бир қанча маърифатпарвар олимларнинг фотосуратлари, илмий асарлари мавжуд. Шунингдек, XX аср бошларига тегишли ноширлик дастгоҳи, газета ва журналлар нусхалари, илмий архив ҳужжатлари ва нодир ашёлар ўрин олган.

ЎЗЛИК

Бугун жадидлар тарихи, уларнинг эзгу амаллари ва ғояларини ўрганишга давлат сиёсати даражасида ҳар қачонгидан-да кўпроқ эътибор қаратилаётгани ҳар бир юртдошимизни беҳад қувонтирмоқда, десак адашмаган бўламиз. Зеро, жадидларнинг ҳар бир ҳаракати, ҳар айтган сўзи бугун юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотларга ҳамоҳанг бўлиб, халқни маърифат орқали юксалтиришга, юртимизни дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторига қўшишга қаратилган эди. Жадидларнинг ғоявий дарғаларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг бундан 110 йил илгари ёзилиб, “Ойина” журналида босилган мақоласида бугун ҳам ҳар бир ўзбек зиёлисини ўйлантирадиган масалалар ўртага ташланган. Шу боис миллий тараққиётимизнинг тамал тоши қўйилган мозий саҳифаларига юзланмоқ фақат хайрли бўлишига ишонамиз.

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

“ТУРКИСТОН ТАРИХИ” КЕРАК

Тарих кўп аҳамиятли ва фойдали бир нарсадур. Тарихнинг фойдаларидан баъзиси ушбудурки, бир миллатнинг на тариқада, қайси йўл ила тараққий этганин ўқиб, ибрат олмоқ ёки бир миллатнинг на сабаблардан таназзул этиб, охири мунқариз бўлуб кетганин ўқуб мундан ҳам истифода этмак мумкиндур. Шунинг учун бизнинг ўз шевамизда Туркистонда ўтган боболаримизнинг маиший, сиёсий аҳволиға доир “Туркистон тарихи” бор бўлгонда, они кўз олдимизда қўюб, бурунғи қаҳрамон боболаримизнинг на йўл ила тараққий ва маданият даврига кируб ва нима сабабдан охири мунқариз бўлуб кетганларини ўқуб, билуб, хейли ибрат олар эдук. Ўшандоқ ҳозирги ҳолимизни боболаримиз давридаги ҳолларға бир даража муқояса этмак ила баробар ўз-ўзимиздан бир инфиоли даруний* ҳис эдуб, юзларимиз қизарар эди. Ҳоло, биз туркистонийлар марҳум боболаримиз аҳволи ҳам Туркистон воқеоти тарихиясидан бутун ғофил ва бехабардурмиз. Чунки ҳануз Туркистон тарихи ҳақинда янги тадқиқот ила ёзилгон, тартибли ва истифодали мукаммал бир асар вужудға келган йўқ. Тўғриси, мундай тарих ёзувчи киши турк ўғлонларидан ҳануз майдонға чиқғон йўқки, бу эса турк болаларининг нохалаф бўлуб, чин ўқул эмасликларига далилдур. Бу сўзлардан тарихсизлигимиз англашилмасун. Бизнинг тарихимиз бор.

Бурунғи асрларда Туркистон ва турклар воқеоти ва аҳволи ҳақинда туркий, форсий ва арабий тилларда неча китоблар ёзилгандирку, у китоблардан рус ва бошқа ёврупойилар истифода этган ва этмакдадурлар. Лекин у мухталиф** тилларда ёзилган. Тарихий асарлардан биз туркистонийлар истифода этуб, янги муҳокама ва тадқиқот ила ўз шевамизда мунтазам бир асар вужудға келтурганимиз йўқ. Балки бизлар андоғ тарихий китоблардан аксарият ила хабарсиз бўлуб, баъзисидан хабардор бўлсак ҳам, аларнинг табъ ва нашриға аҳамият бермаймиз. Чунки бизнинг халқлар андоғ китоблардан кўра хурофотлик қисса, ҳикоя ва ошиқона ғазал китобларига зиёда рағбатлик бўлганидан моддий фойдасини кўзлаб, шундай афсона ва аслсиз китобларни табъ ва нашр этмакдамиз. Шунинг учун кундан-кун муҳим тарихий китобларимиз кўздан тушуб, эсдан чиқуб кетмакдадурки, мунинг айбу гуноҳи Туркистондаги манфаатпараст китобчилар бўйнига тушса керак. Чунки бу сўнг йилларда китобчилар тарафидан турли хурофотлик китоб ва рисолалар нашр бўлинуб турганлиги майдонда ва барчаға маълумдур. Агарда муҳтарам ношир ва китобчиларимиз мундан сўнг ахлоқ бузгувчи ошиқона ғазаллар ва соф эътиқодларни заҳарландирувчи хурофотлик афсона китоблар ўрниға мўътабар тарихий, ахлоқий ва адабий рисола ва китоблар нашр этмоқға ташаббус этсалар, шояд бу хайрли ишлари аввалги гуноҳларининг юзини ёпар.

“Садоий Туркистон” жаридасиға “Миллий тарихимизни ким ёзар?” мазмунида бир савол кўрулгон эди. Бизнинг фикримизча, мундай бир тарих ёзмоқлик ниҳоятда қийин бир иш бўлуб, ҳозирда мунинг ифоси бизларнинг қўлимиздан келмайтурғонга ўхшайдур. Шунинг учун бу хизматни Туркистон тарихи ила ошино бўла бошлаган ёш муаррихимиз муҳтарам Аҳмад Заки Валидий афандининг қаламидан умид этмакдамиз.

“Ойина” журнали, 1914 йил, 38-сон.

** Инфиоли даруний – ички ҳаяжон.*
*** Мухталиф – хилма-хил, бошқа.*

100 НАФАР ЖУРНАЛИСТ ОБУНА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири оммавий ахборот воситаларида узоқ йиллар меҳнат қилган, айни пайтда фаолиятини давом эттираётган, кексалик гаштини сураётган фахрий журналистларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Хабарингиз бўлса, ҳар йили мамлакатимиздаги фахрий журналистларни “Hurriyat” газетасига Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳисобидан обуна қилиш йўлга қўйилиб келинади.

Бу йил ҳам ушбу анъана давом эттирилиб, 2024 йилда юбилей ёшини нишонлайдиган 100 нафар журналист Уюшма ҳисобидан “Hurriyat” газетасига обуна бўлиши таъминланди.

— Мен “Hurriyat”газетасини йил давомида оладиган бўлдим. Бу туҳфа учун Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига миннатдорлик билдираман, — деди “Ишонч” газетасининг Сирдарё вилояти бўйича мухбири Баҳор Холбеков. — “Hurriyat” – республикамиз оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб бораётган журналистларни бирлаштирган нашр. Бу мустақил газетада энг сара журналистик материаллар чоп этиб келинган. Шу боисдан унинг ҳар бир сонини мутолаа қилиш барчамизга завқ бағишлайди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Андижон вилояти бўлими ҳамда вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида оммавий ахборот воситалари ходимлари ва ижтимоий тармоқ фаоллари учун бепул тиббий кўрик ташкил этилди.

ОАВ ВАКИЛЛАРИГА БЕПУЛ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛМОҚДА

Андижон шаҳридаги 8-оилавий поликлиника малакали шифокорларининг умумий текширувидан ўтган ОАВ ходимлари окулист, невропатолог, эндокринолог, кардиолог каби 10 дан ортиқ тор мутахассислар назоратидан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича стационар ва амбулатор шароитда даволанишлари учун йўлланма берилди.

— Шифокорлар қабулида бўлиб, соғлиғимдаги муаммолар юзасидан мурожаат қилдим, — деди фахрий журналист Камолиддин Ҳамидов. — Белгиланган тартибдаги тиббий текширувдан кейин мутахассиснинг керакли тавсияларини олдим. Бугунги тадбирни ташкил этишда бош бўлган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Андижон вилояти бўлими ходимлари ва Соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбариятига миннатдорлик билдираман.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

ҲАМКАСБ

УЗАНГИДОШЛАРИМ

Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги 10 “А” хўжалигини Ўзбекистон журналистларининг катта авлоди яхши билишади.

Ўшанда 1973 йилнинг пахта терими пайти эди.

Кураторимиз Мухтор ака Худойқуловнинг саъй-ҳаракати билан супер элита, яъни оқлаб-кўкланган дала шийпонидан бизга — Тошкент Давлат университетининг биринчи курс талабаларига алоҳида жой тегди. 12 қиз шийпоннинг ярим метрлик тахта сўри кўтарилган қисмида оқ сурпдан парда тутиб ётишади. Шийпоннинг иккинчи томонини 12 йигит йиғма каравотлардан раста тузиб, бугунги шевада айтганда, “хотел” қилиб олганмиз. Курсимизнинг ўн учинчи йигити Ражаббой Раупов (Ҳа, тўғри топдингиз – бугунги кунда қатор қиссаю романлари билан элга танилган таниқли ёзувчи Ражаббой Рауповнинг айни ўзи) болалигидан қолган қандайдир касалликнинг асорати туфайли пахта теримидан озод қилиниб, Тошкентда қолган эди.

Эрталабки меню бир кружка иссиқ чой, буханка нон ва уч-тўрт чақмоқ оқ қанд бўлгани учун нонуштани шу шийпонда амаллаймиз ва қатор тизилиб, “журфак”нинг юзга яқин иккинчи, учинчи ва тўртинчи курс талабалари ётган даланинг нариги четидаги асосий шийпонга борамиз. Тушлик ва кечки овқатимиз “штаб” деб аталадиган шу шийпонда кечади.

Республиканинг барча вилоятларидан ўқишга келган йигит-қизларнинг бир-бирларини англаб олишида икки-уч ойгача чўзиладиган пахта терими муҳим мактаб вазифасини бажарган. Масалан, мен қорақалпоғистонлик курсдошим Нуриддин Оқназаровни пахта терими даврида яқиндан таниб олган эдим.

Нуриддин шоирлик ва ёзувчилик даъвоси билан юрган бошқа курсдошларимизга нисбатан камсуқум-камтарлиги ва ўша машҳурлардан пахтани кўп териши билан ажралиб турар эди.

Бир куни кечки овқатдан сўнг йигирма тўрт курсдош дала шийпони ёнидаги асосий ҳосили йиғиштирилиб, сапча-туйнаклари ташлаб кетилган полизда ошқовоқлар устида ўтириб дилдан суҳбат қурдик. Ойдинли оқшом. Чигиртка-ю чирилдоқлар машшоқлик қилиб турибди. Аввалига ҳар биримиз ўз вилоятимизга хос латифалардан айтиб берадиган бўлдик.

Бугун Нукус Давлат университетининг профессори бўлиб кетган курсдошимиз Малика Жумамуратованинг “Умрбек лаққи” туркумидаги ношуд сартарошнинг мижози бошига “пахта экиши” ва Нуриддиннинг минорадан тушолмай қолган муаззиннинг ҳолати мутойиба қилинган ҳангомалари эсимда қолган.

Талабаликнинг олтин даврига хос ана шундай завқли оқшомларнинг бирида йигирма тўрт курсдош келишдик: келинглар, шу ойдин оқшом ҳурмати ростини айтайлик – ким ўқишга қандай кирган? Маълум бўлишича, 16 талаба ўз кучи билан имтиҳонлардан ўтган. Қолган 9 талабага танкалари “қарашиб юборишган”. Ўз кучи билан ўқишга кирган талабалар орасида Нуриддин ҳам бор эди.

Пахтадан кейин Нуриддин билан ижара ҳовлида бирга турдик. У пахтани қандай яхши терса, ўқиш-ижодда ҳам шундай тиришқоқ эди.

Беш йиллик студентликнинг олтин даври худди туш кўргандай жуда тез ўтиб кетди. Ўқишни тугатиб, ҳаммамиз ҳар ёққа тарқалиб кетдик. Мен Тошкентда қолдим. Нуриддин ўз юртига қайтиб, туман газетасида иш бошлади.

Йиллар ўтиб, ҳаёт бизни яна учраштирди: Республика Бош прокуратурасининг “Қонун ҳимоясида” журнали ва “Ҳуқуқ” газетасига мухбир излаётганимизда Қорақалпоғистондан Нуриддин Оқназаровни тавсия этишди. Журналистлик қилган, турли масъул вазифаларда яхши ишлагани учун у прокуратуранинг ўзига хос ички текширувларида муваффақиятли ўтиб, “маъқул” деб топилди. Ўн йил бирга ишладик. Мен бошқа ишга ўтганимдан кейин ҳам бир муддат Нуриддин шу газетада мухбирлик вазифасида ишлаб юрди.

Жойлардаги “ўз мухбир” марказий нашрнинг юз-кўзи ҳисобланади. Ўқувчилар унинг қадам олиши ва иш тутумига қараб мазкур газета ёки оммавий ахборот воситасининг қиёфасини таниб оладилар.

Нуриддин таҳририятнинг фаол мухбирларидан эди. Унинг Тахтакўпир туман “Тахтакўпир” ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон қаҳрамони Ағитой оға Адилов ҳақидаги очерки ижтимоий-сиёсий талаб жиҳатидан ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ахир Нуриддин бундан йигирма йил олдин кўтарган ишсизликни бартараф этиш, кам таъминланганларни қўллаб-қувватлаш, уйсизларга кўмаклашиш муаммоси ҳозир ҳам долзарблигича қолмоқда. Ағитой оғалар ўз даврида ўз қишлоғи миқёсида бу масалани ечиш учун анча яхши ишлар қилишган. Иккинчи жаҳон уруши фронти орти қаҳрамони Хадича момо Қосимбетова каби кўплаб муҳтож фуқароларнинг уйини таъмирлаб берган, шланг тортиб қишлоқ-овулларни ичимлик суви билан таъминлаган. Мактаб, боғча ва ҚВПларнинг яхши ишлашига кўмаклашиб келган.

Райижроқўм, партком, ёшлар ташкилотидаги масъул лавозимларда ишлаб, бевосита шу муаммоларни ҳал этиш билан шуғулланиб юргани учун Нуриддин бу каби ижтимоий муаммоларни журналист кўзи билан тиниқ таҳлил этар эди.

Республика радиосида ишлаб юрган пайтимда мен ҳам Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов хонадонида бўлиб, у киши билан суҳбатни магнит тасмасига муҳрлаган эдим. Лекин Нуриддиннинг “қорақалпоқ элининг энг олд шоири” (Асқад Мухтор ибораси) Ибройим оға билан суҳбати ўзига хослиги билан қойил қолдирган. Унвону амаллари билан “совет шоири” бўлган етук зиёли мустақиллик даври руҳини қандай яшаётгани жуда қизиқ драматизмни юзага чиқаради.

Маданият фондимиз фонотекаси “яшасин, бор бўлсин ҳамиша совет даврони” руҳидаги қўшиқлардан тозаланаётган 1992 йилнинг кўклами эди. Мустақилликнинг 1 йиллиги тантанасида озодлигимизни тараннум этувчи қўшиқлар куйланиши ҳақида топшириқ бўлди. 1991 йилнинг 1 сентябридан 1992 йилнинг кўкламигача бўлган оралиқдаги отахон газета-журналларни варақлаб чиқдим. Гран-при олиб берадиган шеър тополмай, Абдулла Ориповнинг “Онажоним” китобидаги “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” қасидасини байрам тадбирининг мусиқий раҳбари бўлган бастакор Анор ака Назаровнинг қўлига тутқаздим. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Мустақиллигининг бир йиллик байрамида Козим Қаюмов ва Кумуш Раззоқова ижросидаги бу қўшиқ байроқни олиб кетди.

Ибройим оғанинг Нуриддинга айтган гапларидан тушунганим шу бўлдики, биз бу онларни узоқ кутиб ижод қилдик. Худди гўдак она қорнида тўққиз ой яшаб, мавриди етганда туғилгани каби. Тўлғоқдан кейин бирдан янги олам кўз олдимизда ёришди. Янги туғилган гўдак каби уни ҳис этиш, қабул қилиш ва озроқ улғайиб ҳимоялаш осон кечмайди. Биз мустақилликни қон тўкмай, жанг қилмай қўлга киритдик. Лекин уни сақлаб қолиш учун ҳали кўп курашларни бошдан ўтказармиз, дўстим!

Ибройим Юсуповлар ҳақ чиқишди: кўриб турибмиз – бугун мустақиллик меҳварини асраб қолиш ҳамон катта курашлар бўсағасида қолмоқда.

Нуриддиннинг мухбирлик йилларида матбуотда эълон қилинган Амударё туман ҳокимининг ўринбосари Хонимжон Ражабова, Беруний туман ҳокими, Қорақалпоғистон Жўқори кенгаши депутати Олланазар Жуманиёзов, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ҳакимбой Ҳалимов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раиси Турсунбой Танирберганов сингари кишилар билан суҳбату очеркларида ҳам ўлканинг етилган муаммолари кўтарилган ва уларнинг ечими ҳақида баҳс юритилган.

Шу жойда бизни ўқиётган дўстларимиздан савол тушиши мумкин: сизнинг Нуриддинингиз фақат катталарни очерк қилган, улар билан суҳбатлашган экан-да?

Йўқ, ундай эмас.

Ўз мухбиримизнинг оддий инсонлар, ёнимизда юрган замондошларимизнинг ўйташвишлари битилган кўплаб мақолалари матбуотда чоп этилган. Лекин уларнинг ечими юқорига ўрлагани учун журналист қулоқнинг бошида турган мутасаддиларнинг энг ҳурматлиларини “очерка” қилганини биз мисол нишонига тортганимизни эътиборга олишингизни сўрайман.Чунки мақтовнинг ҳам вазифаси, юки бўлади.

Тошкентда қолиб, катта адабий-ижодий муҳитда ишлаётган ёзувчию журналистларни бутун Ўзбекистон танийди. Лекин олис туманлар ва вилоятларда ижод қилаётган, қаҳратонда газу чироқсиз, саратонда суву сўроқсиз яшаётган юртдошларимиз билан бирга яшаётган, уларнинг ташвишига дардкаш журналистларнинг қанчасини биламиз?

Менинг Нуриддин узангидошим ана шундай, киндик қони томган қишлоғига, ҳамқишлоқ-юртдошларига яқин яшаб ижод қилаётган элпарвар журналистларимизга типик мисол бўла олади.

Нуриддиннинг уйида икки марта меҳмон бўлганман. Қишлоғининг номи — Қилчиноқ. Беруний туманидаги бу қишлоқдан Муяссар Раззоқова каби дунёга машҳур санъаткорлар ва яхши олимлар етишиб чиққан. Нуриддиннинг томорқасидан, уларнинг шевасида айтганда, челидан сал кўтарилсангиз, Амударёни кўрасиз. Тўроғилар, турли хил қамишу қиёқлар ўсиб ётган соҳилдан ўтиб Амударё қирғоғига чиқсангиз тамоман бошқа одамга айланасиз. Миллат тимсоли бўлган Амударё неча асрлар бурун Жалолиддин Мангубердига айтгани каби, сизнинг наздингизда “юртни қутқар, мени янги босиб келаётган балолардан асраб қол, эй ўғлон” нидоси билан ҳайқириб оқиб тургандай бўлаверади.

Умидимиз улки, Нуриддин Оқназаровдай ўғлонлари бор экан, Амударёмизнинг мангу шовуллаши тинмагай.

Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ХУСУСИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ:

ЖАДИДЛАР ОРЗУСИ АМАЛГА ОШДИМИ?

1-б.

— Масалани тўғри қўйдингиз. Аввало, стандартлар ҳақида фикр билдирсак. Стандартни, табиийки, давлат белгилайди. Давлат кадрлар тайёрлаш бўйича икки хил стандарт белгилаши мумкинми? Йўқ, албатта. Демак, олий таълимнинг бу икки тури ҳам жамиятга бир хил умумий талаблар асосида мутахассислар тайёрлайди.

Соддароқ тушуниб олишимиз учун бир мисол келтираман. ОТМларнинг кўпи – Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги таркибида. Аммо бу вазирлик бошқа ташкилотлар ҳузуридаги ОТМлар фаолиятини ҳам методик жиҳатдан мувофиқлаштиради. Худди шу қатъият асосида ҳар қандай хусусий ОТТ ҳам Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тарафидан методик жиҳатдан назорат қилинади. Таълим дастурлари, мутахассислар йўналишларига талаблар ҳам бир хил. Фақат хусусий ОТТ айнан қайси йўналишлар бўйича талабалар тайёрлаш лозимлигини нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти учун лицензиядан келиб чиқиб белгилайди.

Асосий фарқ – маблағда. ОТМ давлат бюджетидан ва шартнома асосидаги тўловлардан тушган маблағлардан фойдаланган ҳолда фаолият олиб борса, хусусий ОТТ фақат ҳомийлар киритган инвестиция ва шартнома асосидаги тўловлардан тушган маблағ асосида фаолият олиб боради.

— Жадид боболаримиз бевосита ўзларининг ёки ўша замондаги саховатпеша ва миллатпарвар бойларнинг маблағи эвазига мактаблар очган эди. Мустақилликка эришганимиздан кейин кўп йиллар илғор зиёлилар шуни бот-бот эслатиб, сармоядорларимизни таълим соҳасига ҳомийликка даъват этиб келди. Аммо бундан ҳеч қандай амалий натижа келиб чиқмади. Хусусий асосда фаолият олиб борадиган ОТТларга изн берилиши эса бунга кенг йўл очди. Айнан бойлар хусусий ОТТлар очди. Яъни, шу тариқа хусусий капитал олий таълим соҳасига ҳам йўналтирилди. Шундан келиб чиқиб: "Жадидларимизнинг асрий орзуси ушалди", – деб айта оламизми?

—"Айта оламизми"гина эмас, балки баралла айтамиз! Ҳақиқатан ҳам, хусусий ОТТларга хусусий капитал кириб келди. Ҳомийлар таълимга сарфлаган маблағидан имкон доирасида моддий фойда кўради, албатта. Чунки биз, асосан, шартнома асосида талаба ўқитамиз. Бироқ бундан халқ ҳам, табиийки, давлат ҳам ютади. Чунки барча хусусий ОТТлар ҳам, аввало, шу мамлакат учун кадр тайёрлаб беради.

Ўтган йилларда жадидларни эслатиб, бойларни ҳиммат қилишга чорлаш қуруқ бир даъват, яъни оёғи ердан узилган бир ғоя эди, холос, назаримда. Мана, энди йирик тадбиркорлар маблағини таълимга сарфлашининг қонуний йўли топилди. Айни борада жаҳонда аввалдан мавжуд бўлган тайёр механизм ишга туширилди. Бундан тадбиркор ҳам ютади, жамият ҳам.

— Жаҳонда донғи кетган хусусий ОТТлар кўп. Масалан, Гарвард, Стенфорд, Кембриж университетлари, Массачусетс технология институти – жуда машҳур. Сизнингча, бизда ҳам хусусий ОТТлар давлат ОТМлари билан тенг тарзда рақобатлаша оладими?

— Кўп йўналишларда рақобатлашиш юз бера бошлади. Биринчидан, давлатники бўладими, хусусийми, бундан қатъи назар, барча ОТМлар ва ОТТлар ўртасида, айниқса, бир йўналишдаги мутахассислар тайёрлаш бўйича табиий равишда рақобат юзага келади. Иккинчидан, давлат ОТМлари билан хусусий ОТТлар рақобатлашяпти. Чунки ҳамма буларни ўзаро солиштиради-да. Учинчидан, хусусий ОТТ билан хусусий ОТТ ўртасида ҳам мусобақа кечмоқда. Тўртинчидан, ОТТларнинг кўпайиши билан зимдан улар ўртасида мамлакатдаги етук мутахассисларни, таниқли ва маҳоратли профессор-ўқитувчиларни ишга жалб этиш учун кураш ҳам кетаётир. Ахир, таълим сифатини оширишда инсон омили бирламчи аҳамиятга эга-ку. Рақобат эса – тараққиёт омили. Ижобий маънода мусобақа тарафларни тиришишга, янада самарали йўлларни излашга, меҳнат қилишга, малакани оширишга, бор ҳунарини кўрсатишга ундайди. Бешинчидан, кейинги йилларда ҳатто мамлакатда илмий даража ва унвонлар олиш ҳаракати ҳам жадаллашиб кетди. Ахир, дарс бериш билан бирга, илмий тадқиқот ҳам олиб борган профессор-ўқитувчи ўзини тинимсиз ўстириб боради. Олтинчидан (эҳтимол, энг муҳими шудир), мамлакатда олий таълимга қабул қилишдаги порахўрликнинг томири қирқилди. Хусусий ОТТлар кўпайганидан ўқишга қабул қилиш бўйича дефицит, яъни танқислик барҳам топди. Энди абитуриентнинг ўқишга кириши учун пора беришнинг ҳеч қандай ҳожати қолмади.

— Хўш, шу рақобатда, яъни таълим бозорида ўтган икки йилдан ошиқроқ давр мобайнида Сиз бошқараётган университет қайси жиҳатлардан муваффақиятларга эришди? Ёки айтайлик, давлат стандартида ОТТлардаги илмий салоҳият, яъни илмий даражаси бўлган профессор-ўқитувчилар сони 35 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Агар хусусий ОТТда айни кўрсаткич бундан кам бўлса, давлат унинг фаолиятини тўхтатишга қарор қилиши ҳам мумкин. Шу маънода бугунги кунда

университет профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти неча фоизни ташкил этади?

— Шу кунларда университетимизда 6 та бинода 8000 дан ошиқ талаба бир вақтда таҳсил олиши учун энг қулай шароит яратилган. Замонавий техника ва технологик ускуналар (хорижий лаборатория қурилмалари) билан жиҳозланган, турли қулайликларга эга бежирим чиройга эга биноларда 451 нафар профессор-ўқитувчи (жумладан, 39 нафар фан доктори, профессор, 119 нафар фан номзоди, доцент), 200 дан ошиқ ўриндош профессор-ўқитувчининг 45 фоиздан ошиғи илмий даражага эга. Айрим кафедраларимизда илмий салоҳият 75 фоиздан юқори. Аммо бу кўрсаткичлар билан чегараланиб қолмоқчи эмасмиз. Айтмоқчи, профессор-ўқитувчиларимизнинг бир қисми – реал иқтисодий секторда (банк, солиқ, суғурта, сиёсий партиялар, ишлаб чиқариш тизимларида) кўп йиллик тажрибага эга. Университетимизда 200 дан ошиқ ёрдамчи ходимлар ҳам фаолият юритяпти. Айни борада мамлакатдаги 65 хусусий ОТТ орасида биринчилар қаторидамиз. Ҳатто, илмий салоҳият ва яратилган шароитлар жиҳатидан етакчи давлат ОТМлари даражасига етиб олдик.

— Аммо "Гап сонда эмас, сифатда", деган гап ҳам бор-да.

— Чин гап. Энди фалсафада айтилганидек, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига олиб келишига эришиш лозим. Бунинг учун эса кўп-кўп меҳнат қилишга тўғри келади. Айниқса, бу борада университетимиз профессор-ўқитувчилари ва ходимлари олдига сифат кўрсаткичлари бўйича юқори марраларга эришиш нуқтаи назаридан вазифалар белгиланган. Бунда малакали профессор-ўқитувчиларимиз билан тенг қаторда замонавий фикрлай оладиган ёш ўқитувчиларимизнинг ҳам ўз ўрни бор. Юқорида айтилганидек, ҳаммага ўзига яраша вазифа топширилган. Масалан, таълим сифатини назорат қилиш бу соҳада кўп йиллик тажрибага эга Бойсун Назаров, маънавий тарбия кўпчилик талабалар шаҳарчасининг собиқ ҳокими сифатида танийдиган Қаҳрамон Шоназаров, ректор маслаҳатчиси вазифаси катта ҳаётий тажрибага эга бўлган Ортиқбек Юсуповга юклатилган.

— Хусусий университетнинг айнан қандай ўзига хос эркинликлари мавжуд?

— Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида, жумладан: "Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга", деб қайд этилган. Шу ҳуқуқдан фойдаланиб, биз: "Ҳар ким ўз иши билан шуғулланиши керак", деган қоидани шиор қилганмиз. Айтайлик, ректор хўжалик ишлари билан шуғулланмаслиги лозим. Биз профессор ва ўқитувчиларни ҳатто талабалар билимини баҳолашдан ҳам озод қилдик. Улар саволлар, тестларни шакллантиради. Аммо баҳолаш билан алоҳида бўлим шуғулланади. Бу билан порахўрликнинг ҳам томири қирқилади. Ниятимиз – тўрт йилда талаба ҳам билимга эга бўлиб, ҳам киришимлиликни ўрганиб чиқсин. Шунинг учун биз иккинчи босқичдан бошлаб талаба олти кунлик ўқишининг бир кунини корхона ва ташкилотларда амалиёт сифатида ўтказишини йўлга қўйдик. Лекин ҳеч бир корхона ёки ташкилотга 3 нафардан ортиқ талаба жўнатмаймиз. Уч йил ичида талаба жамоат билан ишлаш, соҳага киришишни ҳам ўзлаштиради. Ўша корхона ва ташкилотга ёқса, уни шу ташкилот ё корхона ишга қабул қилиши ҳам мумкин.

Университетимиз номида "амалий фанлар" борлиги ҳам бежиз эмас. ОТТда олинган назарий билимлар ҳаёт, реал иқтисодиёт, ишлаб чиқариш билан боғланиши – шарт. Кейин профессор ва ўқитувчилар билан талабалар ўртасида яқинлик бўлиши, шўро замонидан мерос қолган, таъбир жоиз тутилса, "муаллим диктатураси"дан тамоман қутулишимиз, демократик қадриятлар асосида шогирд ўзини қизиқтирган ҳар қандай масала юзасидан хоҳлаган маҳалда устоздан сўраш имкониятига эга бўлиши муҳитини шакллантиришимиз лозим.

Бизда йўналишлар бўйича нисбатан кам фан ўқитилади. Чунки талабанинг ўнта фанни чала билганидан кўра бешта фанни пухта ўргангани афзал. Бу борада хориж тажрибаларига суяняпмиз. Номи чиққан халқаро ОТМлар (Эстония амалий фанлар университети, Литванинг Резекне технологиялар академияси, Финляндиянинг Корелия амалий фанлар университети, Буюк Британия, Германия ва Хитойнинг бир нечта университети) билан ҳамкорлик шартномалари ҳам имзоланган.

— Омма ўртасида: "Давлат ОТМларига кириш тестларидан юқори балл тўплаганлар, хусусий ОТТларга эса аксинча, айнан бали пастлар киради", – деган гап юради. Шунга муносабатингизни билмоқчи эдим.

— Бу "Бутунлай хато фикр", дейишдан йироқман. Қисман шундай, албатта. Лекин талабанинг қанча балл билан ўқишга киргани бирламчи эмас, балки унинг қандай таълим олгани муҳим. Юқори балл билан кириб, ОТМдан яхши мутахассис бўлмай чиққанлар ҳам, аксинча, паст балл билан кириб, етук мутахассис сифатида ўқишни тугатганлар бўлган, бўляпти, бўлаверади ҳам. Бу ёғи ўша ОТТда ишнинг қандай савияда ташкил этилганига бевосита боғлиқ, деб ўйлайман. Биз етук мутахассислар тайёрлашни ўзимизга шиор қилиб олганмиз. Биринчи қалдирғоч бакалаврларимиз 2025 йили қўлига диплом олади. Ҳозир ҳам кундузги, ҳам сиртқи бўлимларимиз бор. Келажакда, албатта, магистратура ҳам очамиз.

— Таълим сифати ОТТнинг моддий-техникавий базасига ҳам бевосита боғлиқ. Чунки замонавий талаблар асосида дарс ўтиш учун, аввало, шароит керак.

— Олтита ўқув биномиз бор. Ҳаммаси янги қурилган. Гарчи улар ОТТга мўлжаллаб тикланмаган бўлса ҳам, биз уларни таълимга мослаштирдик. Ҳамма аудиторияда информацион технология қурилмалари – "ақлли доска", катта форматдаги компьютер, моноблок компьютерлар, телевизор, проектор ва бошқа дарс ўтиш учун шароитлар яратилган. Бу жиҳатдан кўпгина бошқа ОТМлар ҳавас қилиши мумкин. Ахир, бугун компьютердай беминнатдан-беминнат ахборот воситаси имкониятларидан фойдаланмай туриб ҳам замон талабларига тўла жавоб бера оладиган кадр тайёрлашнинг ҳеч имкони йўқ-да.

— Давлат ОТМларининг аксариятида докторантура бўлими бор. Уларга давлат гранти асосида уч йил мобайнида бюджетдан стипендия тўланадиган фалсафа доктори диссертацияси ёзиш учун таянч докторантлар, фан доктори диссертацияси ёзиш учун эса докторантлар, шунингдек, стипендия олмайдиган мустақил ва эркин тадқиқотчилар қабул қилинади. Шу тариқа унда ўзи ва бошқа ОТМлар учун илмий даражали етук кадрлар тайёрланади. Бу масала хусусий ОТТларда қай тарзда ҳал қилинади? Умуман, хусусий ОТТларда мавзу тасдиқлатиб, диссертациялар ёзишни ташкил этиш йўллари қай тарзда йўлга қўйилган? Яъни, хусусий ОТТ ўзида ишлаётган тадқиқотчини университет маблағи ҳисобидан таянч докторантура ва докторантурага чиқара оладими? Мустақил ва эркин тадқиқотчилар шу ерда диссертация мавзусини тасдиқлатиб, иш бошлаши мумкинми?

— Бизда ҳозирча бакалавриатнинг уч босқичида таълим бериляпти. Бора-бора магистратура, докторантура масалаларини ҳам ҳал этамиз. Бунга ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Давлат ОТМларида докторантларга давлат гранти асосида маблағ ажратилади, биз бунга хусусий капитални йўналтирамиз. Яъни, хусусий ОТТ давлат ОТМларидаги миқдорда маош тўлаб, илмий кадрлар тайёрлаш ҳуқуқига эга. Аммо ҳозирдан университетимизда мустақил ва эркин тадқиқотчиларнинг мавзуларини тасдиқлаб, иш юритишини бошлаб юборганмиз.

— Кўплар: "Хусусий ОТТларда давлат ОТМларига қараганда юқорироқ даражада маош тўланади, дарс сифатли ўтишини таъминлашнинг омили тарзида дарс соатлари ҳам нисбатан камроқ қилиб белгиланади", – деб ўйлайди. Ростдан ҳам, шундайми?

— Худди шундай. Бироқ бу ерда аниқ рақамларни келтириб ўтирмайман. Келинг, бу сир бўлиб қўя қолсин.

— Мамлакатимизда узоқ даврлардан буён фаолият олиб бораётган давлат ОТМларининг факультетлари ва улардаги йўналишларни кўпчилик яхши билади. Уларда янги факультет ёки йўналишлар очилгани ҳақида хабар берилса, бундан ҳам омма тез хабар топади. Аммо одамлар хусусий ОТТлар ҳақида унчалик катта маълумотларга эга эмас. Шу маънода Сиз бошқараётган университет факультетлари ва улардаги йўналишлар ҳақида билгимиз келади.

— Педагогика факультетида бошланғич таълим, мактабгача таълим, педагогика; Иқтисодиёт факультетида иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича), банк иши ва аудит, бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича), молия ва молиявий технологиялар; Ахборот технологиялари факультетида компьютер инжиниринги, мультимедия технологиялари, ахборот хавфсизлиги, математика ва информатика; Тарих ва филология факультетида тарих, хорижий тил ва адабиёт (тиллар бўйича), ўзбек тили ва адабиёти йўналишлари, жами 4 факультетда 14 та йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланяпти. Келажакда Медиа факультети очиб, унда матбуот ва интернет журналистикаси, телерадио ва фотожурналистика, жамоатчилик билан ишлаш йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш ниятидамиз. Шунингдек, туризм йўналишини ҳам ўйлаб кўришимиз мумкин.

Жамиятимизнинг мақсади ҳаётни ўзгартириш, бошқача айтганда, ривожланиш. Ҳаётни ўзгартиришни таълимдан бошлаш керак. Ҳар қандай тараққиёт шахсни ўстириш ҳосиласи сифатида юзага чиқади. Ахир, ҳеч ким ўзини ўстирмай туриб, яъни бошқалар ҳисобига бахтли бўла олмайди-ку.

— Мазмунли суҳбат учун Сизга кўп сонли ўқувчиларимиз номидан ташаккур.

Суҳбатни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Султонмурод ОЛИМ олиб борди.

ХОРИЖ

ОҚ УЙ ДАРВОЗАСИГА МАШИНА УРИЛДИ

Вашингтонда жорий йилнинг 8 январь куни автомобиль Оқ уй мажмуаси дарвозасига бориб урилди. Воқеа жойида полиция, ўт ўчирувчилар ва тиббиёт ходимлари иш олиб борди, — деди Махфий хизмат вакили Энтони Гулелми ўзининг "Х" ижтимоий тармоғи саҳифасида.



"Соат 18:00 атрофида автомобиль Оқ уй мажмуасининг ташқи дарвозасига келиб урилди. Ҳайдовчи қўлга олинди, биз тўқнашув сабаблари ва характерини ўрганмоқдамиз", — деди у. "NBC" телеканали маълумотларига кўра, воқеа жойида полиция, ўт ўчирувчилар ва тиббиёт ходимлари иш олиб борган. Машинада таҳдид белгилари топилмаган. Шунингдек, жабрланганлар ҳақида маълумот йўқ.

Ўтган йил декабрь ойи ўрталарида АҚШ президенти Жо Байден кортежидаги машинага номаълум шахс бошқарувидаги машина келиб урилганди. Давлат раҳбари ва биринчи хоним Жилл Байден жабрланмаган.

ШВЕЦИЯ УРУШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА...МИ?

Швеция фуқаролик мудофааси вазири Карл-Оскар Булин мамлакат фуқароларини эҳтимолий урушга тайёр туришга чақирди. Бу ҳақда у "Folk och Forsvar" мудофаа конференциясидаги нутқи чоғида гапирди. Унинг сўзлари Швеция ҳукумати порталида келтирилди.

"Мендан аввал ҳам бу ҳақда кўпчилик гапирган, бироқ буни расмий мақомда, аниқ қилиб айтадиган бўлсам: Швецияда уруш бошланиши мумкин", — деди вазир шведларни қўрқитмоқчи эмаслигини таъкидлаб.

Вазир ўз нутқида ҳатто Швецияда ҳам тинчлик "доимий" эмаслигини айтди. Булин барча шведларни умумий Швеция мудофаасини яратишга ёрдам беришга чақирди. Швеция Қуролли кучлари бош қўмондони Микаэль Бюден вазирнинг сўзларига изоҳ берар экан, барча фуқаролар урушга "индивидуал даражада маънавий жиҳатдан тайёрланиши" кераклигини айтди.

ФРАНЦИЯ БОШ ВАЗИРИ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

Франция бош вазири Элизабет Борн истеъфога чиқди. Бу ҳақда Елисей саройига таяниб, "BFMT" хабар берди. Франция президенти Эммануэл Макрон аллақачон амалдорнинг истеъфосини қабул қилиб, унга Франция ҳукумати раҳбари сифатидаги фаолияти учун миннатдорлик билдирган.

Вазирлар маҳкамасининг янги таркиби ва янги бош вазир номи "яқин соатларда" эълон қилинади. Нашрнинг ёзишича, бош вазирлик учун мудофаа вазири Себастьян Лекорну, молия вазири Бруно Ле Мер, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазири Кристоф Бешу, таълим вазири Габриэль Аттал ва Франция Миллий ассамблеясининг собиқ раиси Ришар Ферран даъвогарлардир. Элизабет Борн Франция ҳукуматини 2022 йилнинг май ойидан бери бошқариб келаётганди. Элизабет Борн янги ҳукумат тайинланмагунча ўз вазифаларини бажаришда давом этади.

ТЕРРОРЧИ БРЕЙВИК ОЗОД ЭТИЛАДИМИ?

У 77 кишини ўлдириб, оммавий қирғин қилгани учун 12 йилдан бери алоҳида камерада сақланмоқда. Норвегиялик террорчи Андерс Брейвик чуқур руҳий тушкунлик туфайли суддан ўзини изоляциядан озод этилишини сўрамоқчи. Бу ҳақда "Reuters" хабар берди. У 2011 йилдан бери 21 йиллик қамоқ жазосини ўтамоқда.

Қайд қилинишича, 9 январь куни оммавий қотилнинг ўзи судда иштирок этди ва ташқи дунё билан мулоқотига қўйилган чекловларни олиб ташлашни сўрайди. Шу билан бирга, 8 январь куни Рингерике қамоқхонасида бўлиб ўтган суд мажлисида унинг адвокатларидан бири Ойстеин Сторрвик нутқ сўзлаб, мижози энди яшашни истамаётганини ва "чуқур руҳий тушкунликка" тушиб қолганини айтди.

ЕВРОКЕНГАШ РАҲБАРИ МУДДАТИДАН ОЛДИН КЕТИШИ МУМКИН

Европа етакчилари қисқа вақт ичида ворис бўйича келишиб олиши керак, акс ҳолда Мишелнинг ўрнини вақтинча Венгрия бош вазири Виктор Орбан эгаллаши мумкин.

Европа кенгаши раҳбари Шарл Мишел Европада ёзги сайловларда Белгия либераллари вакили сифатида иштирок этиш ниятида эканини айтди. "Мен 2024 йил июнь ойида Европарламентга сайланишга қарор қилдим", деди сиёсатчи 7 январь, якшанба куни Бельгиянинг "Soir", "De Standaard" ва "La Libre Belgique" газеталарига берган интервьюсида.

Агар Мишел сайланса, у Евроке нгаш раҳбари лавозимини ва Европа парламентарийси ўрнини бир вақтда эгаллай олмайди. Европарламентга сайловлар 6-9 июнь кунларига белгиланган, Мишелнинг Евроке нгаш раиси сифатидаги ваколати эса 2024 йилнинг ноябрида тугайди, шу боис у ўрнини эрта тарк этадиган вазият юзага келиши мумкин.

Ушбу ҳолат эса Венгрия бош вазири Виктор Орбан учун вақтинчалик Евроке нгаш раҳбари лавозимини эгаллаш учун потенциал имкониятни очади, чунки Венгрия 2024 йилнинг июлидан декабригача ЕИ кенгашига раислик қилиши керак.

Интернет маълумотлари асосида Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

ЭЪЛОН

Назаров Рихсивай Исаевичга Ўрта Чирчиқ туман ҳарбий бўлинмаси томонидан 1988 йилда берилган №А610468 рақамли ҳарбий гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

СУРХОН ТОМОНЛАРДА

Қишнинг чилласига қарамай...

Шўрчи туманида йил бўйи ер билан тиллашиб, деҳқончилик туфайли фаровон ҳаёт кечираётган оилалар талайгина. Туманнинг “Кушон” маҳалласи аҳли қулупнай етиштириш борасида катта тажриба тўплаган.

— Томорқаларида иссиқхона қуриб, қулупнай етиштираётган ҳар бир хонадон йилига 60-70 миллион сўмдан даромад олишяпти, – дейди “Кушон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳоким ёрдамчиси Абдуалим Қудратов. — Иссиқхона қуриш учун банкдан олинган 32-35 миллион сўмлик кредитни уддабурон деҳқонларимиз бир йилда қоплаш билан бирга, ўзлари ҳам яхшигина манфаатдор бўлишмоқда.

Дарҳақиқат, қишнинг чилласига қарамай, аҳоли томорқаларида етиштирилаётган қулупнай ҳосили туман ва вилоят бозорлари пештахталарини безаб турибди. Бозорда қулупнайнинг килоси 80-100 минг сўмдан сотиляпти. Бу қаерда етиштирилган деб сўрасангиз, сотувчилар бир овоздан “Шўрчининг Қулупнай маҳалласида” дейишади.

— Иссиқхонада оила аъзоларимиз билан меҳнат қиламиз, – дейди “Кушон” маҳалласида истиқомат қилувчи Муслима Раҳимова. — Қулупнай кўчати тўрт йилгача ҳосил беради, бундан ташқари, ҳар бир тупидан юстагача янги кўчат олиш мумкин. Яна бир гап, деҳқончиликда бу бўлди, мен қолдим, деб ҳасад билан эмас, ҳавас ва ихлос билан ишлаш керак, шундагина ҳосилга барака, хонадонингизда файз бўлади. Қулупнай кўчатига эҳтиёж катта бўлганлиги сабабли бу ҳам яхшигина фойда келтиради. Хуллас, йил давомида фойдали меҳнат билан банд бўлишдан ташқари, оила бюджетимизга узлуксиз қўшимча даромад келиб туради. Шунинг устидан маҳалладошларимиз уйлар қуриб, тўйлар қилишяпти.

Сўнгги йилларда маҳаллада етиштирилган ҳосилнинг ички бозордан ортганини хорижга экпорт қилиш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Сафар ОМОН,
“Hurriyat” мухбири.

СУРАТЛАРДА: шўрчилик қулупнайчилар фаолиятидан лавҳалар.

ЖАҲОН МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

Ҳиндистоннинг “Business of Travel Trade - BOTT” ихтисослашган сайёҳлик журналида қадимий Самарқанд шаҳри ва туризм соҳасидаги Ўзбекистон – Ҳиндистон ҳамкорлиги ҳақида мақолалар чоп этилди.

“Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик чуқур тарихга эга. Икки давлат турли йўналишларда, жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, таълим, спорт, маданият ва гуманитар соҳаларда узоқ йиллик ҳамда вақт синовидан ўтган шериклик муносабатларини ривожлантириб келмоқда, — деб қайд этилган нашрда. – Шу маънода туризм сектори ўзаро алоқаларнинг муҳим жабҳаларидан бири сифатида ажралиб туради”.

САМАРҚАНД СЕҲРИ

Материал муаллифи Ўзбекистон Ҳиндистонда ўзининг салмоқли сайёҳлик салоҳиятини тарғиб қилишдан манфаатдор экани, ҳиндистонлик саёҳатчиларга мамлакатнинг бой маданияти ва анъаналари, албатта, ташриф буюрилиши керак бўлган масканлари, шунингдек, замонавий таълим олиш учун қулай шароитлар яратилган Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Андижон, Фарғона, Наманган, бошқа қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарлари ҳақида ранг-баранг маълумотларни тақдим этаётгани тўғрисида сўз юритган.

“Бу саъй-ҳаракатларда Ўзбекистоннинг Деҳлидаги элчихонаси икки мамлакат ўртасидаги боғловчи кўприк вазифасини ўтамоқда, турли маркетинг компанияларида иштирок этиш, янги саёҳат пакетларини тақдим этиш ва Ҳиндистон бўйлаб истеъмолчилар учун тарғибот тадбирларини ўтказиш орқали юксак режаларни амалиётга татбиқ этмоқда”, — деб таъкидлаган “Business of Travel Trade - BOTT” мухбири.

Шундан сўнг журнал ўқувчилари эътибори Ҳиндистоннинг молиявий пойтахти – Мумбай шаҳрида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятига бағишлаб уюштирилган кенг кўламли роуд-шоу тафсилотларига қаратилган. Мазкур тақдимот маросими Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг туризм соҳасидаги яқин ҳамкорлигининг яна бир ёрқин намунаси бўлди, икки буюк давлатни бир-бирига яқинлаштирди, Ҳиндистон аҳолисига Ўзбекистон, унинг тарихи, халқаро миқёсда тан олинган ҳақиқий меҳмондўстлик анъаналари ҳақида ранг-баранг маълумот олиш имконини берди, деб қайд этган ихтисослашган нашр.

“Самарқанд: Жаҳон маданий туризм пойтахти” сарлавҳали мақола муаллифи “Ўзбекистоннинг шарқий-марказий бағрида ўтмиш тамаддунлари ҳақида шивирлаб ҳикоя қиладиган, ҳар бир тоши тарихий даврлардан гувоҳлик берадиган шаҳар жойлашган. Икки минг йилдан ортиқ бой тарих ва маданий уйғунликнинг жонли гувоҳи бўлган Самарқанд шаҳрига хуш келибсиз”, деб урғулаган.

Журналист қадимий шаҳарнинг жозибадорлигини англашга ҳаракат қилиб, шундай хулосага келган: “Самарқанднинг сеҳри унинг тарихий хазиналари – масжид, мадраса ва мақбараларнинг мафтункор уйғунлигидадир. Шаҳар марказида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Регистон жойлашган бўлиб, у бир вақтлар бозорлар ва карвонсаройларнинг шовқинига бурканган, ҳукмдорлар фармонларининг акс садоси янграган гавжум майдон бўлган. Регистон Самарқанд бой тарихининг мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этган бўлиб, меҳмонларни ушбу ажойиб шаҳар бунёд этилган ўтган даврларга шўнғишга чорлайди”.

Муаллиф сайёҳларга шаҳарнинг сирли ўтмишидан ҳикоя қилувчи тарихий гавжум кўчалари бўйлаб сайр қилиш, улуғвор Бибихоним мадрасасининг жозибадорлиги, Улуғбек расадхонасининг самовий мўъжизалари, Хожа Аҳрор мажмуасининг сокин муҳити, Афросиёбнинг қадимий сеҳрини ҳис қилишни маслаҳат беради. “Тарихий шахснинг бардавом меросини акс эттирувчи Амир Темурнинг ҳайратланарли мақбарасини зиёрат қилинг. Бу ердаги қўйилган ҳар бир қадам тарихнинг мазкур жонли китобидан янги кашфиётлар очишга имкон беради”, — дейилади нашрда.

Мақолада Самарқанднинг меъморий ёдгорликлари, жонли ва сершовқин Сиёб бозори, кичик дўконлари ва бутиклари ранг-баранг тарзда тасвирланган. Шаҳар ресторанлари ўзбек ва бошқа халқларнинг овқат тайёрлаш усуллари уйғунлашган пазандалик мўъжизаси, деб аталган.

“Бой маданият ва меросинг жонли солномаси бўлган Самарқанд сизни нафақат эсдалик совғалар билан, балки ўз қалбининг бир парчаси билан ватанингизга қайтишга чорлайди. Мовий гумбазлар ва лабиринт кўчалар билан хайрлашар экансиз, билингки, Самарқанд сеҳри мангу сақланиб қолади ҳамда Ўзбекистон мафтункор тарихининг қоқ бағрига қилган саёҳатингиздан акс садо бериб туради”, — дея хулоса қилган мақола муаллифи.

“Дунё” АА,
Деҳли.

ТАБИАТ ВА БИЗ

ФОЗИЛМОН

Синтоб қишлоғи юз, юз эллик метр юксакликда, яъни тик қоя устида қўним топган. Орқа тарафи қояга тиргак тираб қурилган. Синчиклаб қарасангиз, аркни ёдга солади. Маҳобатли, салобатли тоғлар қуршовидаги, сой бўйлаб кетган бу қишлоқнинг гўзаллигига, чиройига таъриф йўқ. Кўнгилда ҳассос табиат яратган ана шу маъвони кўриш майли туғилди. Тошкентдан уч-тўрт танишлар билан йўлга тушдик. Ниятимиз — тоғнинг оромбахш ҳавосидан симириш, гўша ва манзараларидан завқ олиш эди.

“Captiva” ўнқир-чўнқир йўлдан олдинга босади. Нурота – Фориш йўлида машиналар сийрак. Аҳён-ахёнда прицеп улаган “Камаз”лар учрайди. Бунга йўлнинг абгорлиги сабабдир. Яна ким билади дейсиз. Хуллас, ана шу катта йўлдан беш чақирим ичкариладик. Бирдан тошдан йўниб тикланган уй томлари кўзга ташланди. Шунда тоғбеги уқтира кетди:

— Сой ёқалаб кетган катта йўлакдан ўн, ўн беш чақиримгача машина силжий олади, холос. Ундан у ёғига улов боролмайди. Фақатгина сўқмоқ йўлгина хуш келибсиз, марҳамат дея қаршилайди. Йўлдан эшак, хачир юра олади. Беминнат дастёрлар ҳеч қандай минтақмай, тихирлик қилмай сизни манзилга етказади. Синтобдан ўн саккиз чақирим наридаги Фозилмон қўли Навоий шаҳридан бир юз саксон, Нуротадан бир юз йигирма чақирим олисда, денгиз сатҳидан бир минг олти юз қирқ тўрт метр юксакликда... Қўлни маҳаллий аҳоли “Сентобкўл” деб ҳам аташади. Умуман, Синтоб қишлоғига кўлни кўриш илинжида узоқ юртлардан, ҳатто Германия, Франция, Испания, Италия, Голландия сингари мамлакатлардан ҳам сайёҳлар ташриф буюради. Улар бир эшакни эллик мингдан бир юз эллик минг сўмгача ижарага оладилар. Сал бўлмаса айтиш ёдимдан кўтарилибди. Қишлоқнинг сўқмоқ интиҳо топган жойидан нажот маскани – Нурота қўриқхонаси бошланади.

Оқ-сариқдан келган, юзлари лўппи, узунчоқ, қош-кўзлари қоп-қора ва бироз рангпар киши эътиборимни тортди. Танишдик. Исми Сафар бўлиб, чорвадор экан. Билсам, тоғ одамлари чучмал, силлиқ гапларни ёқтирмас эканлар. Чиндан ҳам, тоғликларнинг бўй-басти-ю, ўктам чеҳраси одамга мағрур, дадил боқади.

— Меҳмон, қадамингизга гул битсин. Бизнинг қишлоқ тили Садриддин Айний тилига яқин. Эҳтимол, эшитгандирсиз? Ривоятда айтилишича, Синтоб аҳлининг ярми бухоролик, ярми синтобдан тарқаган эмиш. Шунинг учун қишлоқнинг этник қатлами азалдан тожик тилида сўзлашади. Одамлари менга ўхшаш, — деди Сафар оға.

Дунё ташвишлари чекинган, менга бегонадек эди. Аммо қалбим беҳад хушнуд, шод эди. Хаёлларга чўмдим. Узоқ-узоқлардаги тоғларга, кенгликларга кўз югуртирдим. Ажабтовур ҳолат. Нега энди Синтоб яйловидаги мовий кўл ва Синтоб сатҳи сап-сариқ рангда экан-а? Улар худди қуёш нурида жилоланаётган симобга ўхшайди.

— Ҳа меҳмон. Хаёл дарёсига ғарқ бўлиб қолдингиз?

— Ўзим, шунчаки. Бу ерларнинг тарихи, кечмиши ҳақида бош қотираётгандим.

— Сизни Синтоб қишлоғининг тарихи қизиқтираётирми? Унда қулоқ тутинг.

Билганларимни сўзлайман. Синтобликларнинг келиб чиқиши қадим замонларда қишлоққа бостириб келган ёғийнинг аҳолини битта қўймай қириб ташлаши билан боғлиқ воқеага бориб тақалади. Айтишларича, қирғин чоғида бахтли тасодиф туфайли бир муштипар аёл Ҳасан ва Зуҳра исмли эгизак фарзандлари билан тирик қолади. Душман уларни пайқамаган. Ёру қадрдонларидан ажраган аёл икки гўдагини олиб, қишлоқни тарк этади. У сўқмоқ йўлнинг четига келиб тўхтайди. Бир нафас дам олади, кўзёшини артади. Тақдири азал ёзиғига кўникади. Сўнгра худди шу жойда чайла тикиб, умргузаронлик қила бошлайди. Тирикчилиги бинойидек ўтиб туради. Аммо бир куни хилват гўшада овчи пайдо бўлади. Дастлаб уни кўриб она ва болалари қўрқиб кетадилар. Бироқ йигитнинг ёнидаги синглисига кўзи тушган она анча тинчланади. Тез орада улар тил топишиб, иноқлашадилар. Бир куни аёл овчига маслаҳат солади: “Муҳтарам овчи, ҳаётда инсон ёлғиз, танҳо яшаши мумкин эмас. Агар гапимга рўйхушлик билдирсангиз, синглингизни ўғлимга олиб берай. Қизимни ўзингизга ёстиқдош қила қолинг. Кейинги ҳаёт йўлингизни у билан боғланг”.

Бу жўяли таклиф овчига маъқул келади. Шу тариқа Синтоб қишлоғида ҳаёт шами порлабди. Бу икки оиладан ўнта оила вужудга келибди. Ана шу оилалар кўпайиб, илдиз отиб, кейинчалик уруғларга бўлинган экан. Ҳозирга келиб ҳар бир уруғнинг ўз қабристони бор.

...Атроф қорая бошлади. Тун зулмати босган дунё бирдан қоронғиликка чулғанди. Чипор тошлар уюми кўзга ваҳимали кўринди. Қаерлардадир бўри ўқтин-ўқтин ғингшимоқда. Осмон қаъридан кетма-кет юлдуз учди. Шу куни қишлоқда тунаб қолдик. Эртасига ажойиб, хилват гўшаларни оралаб, табиатни томоша қилиб, одамлар билан чақчақлашиб Фозилмон қўли қайдасан дея йўлга тушдик. Остимизда эшак. Сўқмоқ йўл бўйлаб тоғбеги олдинда кетарди. Унга изма-из мен ва ҳамроҳларим борардик. Тоғбеги манглайи оқ, қолган жойлари қора отда эди. Тик қоялар аро минг бир буралиб осмону фалакка ўрлаган ёлғизоёқ бу сўқмоқ йўлда ҳар хил жониворларнинг тезаклари билан бирга онда-сонда от, эшак, хачир тақалари ҳам учраб қоларди. Баъзан кутилмаганда биз йўловчиларнинг оёғимиз тагидан, бош ораларидан қарғасимон заҳча, томоғи сариқ чумчуқ, бигиз тумшуқлар, какликлар пир-пир учиб, осмонга кўтариларди.

“Чуҳ!” Тоғбеги отининг жиловини силтади. Бизни ҳам қичаброқ юришга ундади. Остимдаги ҳанги йўрға эди. Тўқимнинг айили маҳкам тортилган. Хўтик йўлни яхши билар экан. Шу боисдан хилачўпни ниқташга ҳожат қолмади. Баъзида оёқлар мункиб-мункиб кетади. Шаҳарда юриб хом бўлиб қолганимни илғадим. Йўл қалтис, тор, ўйдим-чуқур. Пастликка қарасанг, юрагинг орқага тортиб кетади.

Синтоб яйлови. У Фозилмон тоғлари этагида. Ўша манзилга чиқиб бориш, у ердаги кўлни томоша этиш фикри хаёлимни банд этган. Минг йиллик ёнғоқ дарахтларининг ер бағрига қараб, эгилиб ўсган шохлари, қишлоқ ўртасидаги қўрғон харобалари гўё тошларда битилмаган, айтилмаган, буюк тарих сирларини қатига яширгандай. Бир-биридан юқори, баланд деворлар қорайган қалъага ўхшаб кетади. Ўзимча бу манзилни “тош шаҳарча”га таққосладим. Юксак тоғлар орасида, орқа тарафи кунчиқарга қараб баланд қояга тиркаб барпо этилган бу қишлоқ уйларини она табиат ёмон кўзлардан пана этиб яратгандай гўё!

Устига-устак, биз турган манзилни олдинги томонидан ҳам, орқа тарафидан ҳам тик қоялар қуршаган. Буни қаранг, сўқмоқдан битта-битталаб юрилар экан. Ёнғоқзор, бодомзор, дўлана ва писта дарахтлари сой ёқалаб изма-из таъқиб этиб, кузатиб боради. Беқарор шамол дарахтлар бошини оҳиста силагандай бўлади. Қишлоқ уйлари тугаб, сой ҳам анча пастда қолди. Айни шу ерда Чаваксой айқириб Синтобсойга қўшилади. Катта сувлик вужудга келади. Тик қоялар бағирлаб кетган йўлда одам сийрак. Тоққа ўрмалаганимиз сари сўқмоқ беш-олтита йўналишга бўлиниб кетади. Буни кўриб донг қотдик. Биз яқин тик сўқмоқни танладик. Ҳар ҳолда табиатнинг ҳайратомуз манзарасини кўриш истагидан чекинмадик. Бурилаш чоғида албатта, чўққи қарши олади. Эҳтиёт бўлинмаса, ағдарилиб кетиш ҳеч гап эмас. Шу боисдан сезгирлик ва ҳушёрликни йўқотмадик. Ниҳоят, баландга кўтарилиб борувчи ўн беш чақиримлик Синтоб сўқмоғи яйловга туташган жойга етиб бордик. Ўзиям бу ерга келгунча нақ қирқта тоғ ва қирқта жарликдан ўтгандек эдик. Қувончимиз чексиз эди. Текис, бепоён яйлов узра салқин шаббода юзга уфурди. Кўм-кўк майсалар билан қопланган кенгликларда сон-саноқсиз қўй-қўзи, эчки-улоқ, сигирлар пода-пода бўлиб ўтлаб юрибди. Тағин текислик бўйлаб пича юрдик. Кўл Фозилмон тоғи, деб аталувчи чўққи пастида экан. Кўл юзидаги сув ўтлари... Улар бир қараганда кулранг тўлқинларни эслатади. Суви тиниқ, рошига келиб урилиб, ажиб манзарани ҳосил этади. Ям-яшил ўтлар, қадди-басти тик, адл, тўда-тўда қамишлар катта сувликнинг қоқ ўртасидан “мана мен”, дея қад кериб турибди. Гуркираган байроқдек ҳилпираб, товуш чиқаради. Шундоққина мовий кўлнинг шарқ томонига юрдик. Ва ўша ёғини секин айланиб ўтдик. Шундоққина кўлга сув қуядиган булоқча устидан чиқиб қолибмиз. Суви чучук, муздек. Тишни зириллатади. Кўлга сув ёмғир ва қор, булоқлардан йиғилади. Узунлиги уч юз метр, эни эллик метрча... Чуқурлиги бир ярим метрга етади.

Атрофга разм солдим. Ҳов ана баланд тоғ чўққисидан отлар уюри сувлагани тушиб келаяпти. Айғир ортидан ўн чоғлича бия эргашган. Тойчалар шаталоқ отиб, тўполон кўтаради. Шу маҳал айғир узун қилиб кишнади. Бу унинг ўзича тўдани ортда қолмасдан интизомга амал қил деб огоҳлантиргани бўлса керак. Уларнинг ёллари тилло рангда. Қуёш нурида товланади. Осмонда булутлар лашкари кезинади. Гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа қараб сузади. Фалак тоқида бургут қанот силкитмоқда. Осмон подшосини кўрган қушлар ўзини пана-пастқамга уради. Ерда юмронқозиқ қозиқдек тик турибди.

Кўл ичкарисига кирган йилқилар уюри сувлагач, чўзиб кишнадилар. Сўнгра ўзларини совуқ сувга отдилар. Танлари яйради. Бу ҳол ўн беш дақиқагача такрорланди. Отлар ёлларидаги сувларни силкитдилар-да, ғолиб аскарлардек бошларини мағрур кўтариб яйловлар томон йўртиб кетдилар. Шу кетишда, Фозилмон кўлидан сувлаган йилқилар уюри Оқтоққа бориб тунар эканлар.

Тоғ бошидаги бу ғаройиб текис яйловда уюрлар сероб, бисёр бўлса керакки, бегона эшак, хачир ва йилқини кўрибми; ҳидини сезибми ёхуд дириллашини эшитибми, ўқтин-ўқтин кишнашадилар. Ўнлаб ботмон жойни эгаллаган қорамтир кўлга қуёш шуъласи борича ёйилгандек эди. Қурбақалар тинмай вақиллашарди. Баъзан яқин, баъзан узоқдан чиябўри, тулки, шоқол, қашқирлар улирдилар. Гарчанд кундуз бўлса-да, бу юксакликдан Синтоб, Можрум, Ўхум, унинг ўнг томонидаги сон-саноқсиз Фориш қишлоқлари аниқ-тиниқ кўринарди. Мовий кўл жамол очади. Унда кўплаб ўрдак, ғоз ва оққушлар, ширмоҳи балиқлар эмин-эркин сузишмоқда.

Ёдимга оқтоғлик йилқибоқарлардан эшитган бир ривоят тушди. Йилқилар ўзлари туғилган Оқтоғни хуш кўрадилар. Нега деганда, бу кўз илғамас юксаклик, хилват гўша уларга тинч, хотиржам, осойишта, ҳаловатли ҳордиқни тортиқ этади. Фақатгина кун ёйилиб, қуёш заррин нурларини сочгандагина Синтоб яйловида ҳозир бўладилар. Сувга қонгач тағин Оқтоғга равона бўладилар. Айтганча, Оқтоғ устида ҳам худди шундай яйлов бор бўйича ястаниб ётади. Бир қараганда, Нурота тоғ тизмаларининг бир чеккасидаги тизма тоғнинг иккинчи бир тарафдагиси билан боғланишига сира ишонгинг келмайди. Аммо бу ривоят замирида ҳақиқат учқунлари бордай. Қолаверса, йилқилар уюри учун кенгликлар жоннинг ҳузури. Негаки, улар адоқсиз, интиҳосиз кенгликларда ўтлашни, озодликни, эркинлик руҳини ёқтириб келадилар. Йилқилар тоғ қўриқчилари ҳамдирлар. Тағин бир гап. Бу яйловлардаги отлар уюри Ҳазрат Алининг дулдулидан тарқаган эмиш гўё! Шунинг учун уларга зотли от деб қаралади. Бунга ишонмай бўлмайди.

Новвотранг қоялар, мағрур чўққилар. Улар орасига холдек ярашиб тушган чексиз, интиҳосиз яйлов. Яйлов ўртасидаги бепоён, мовий тусли кўл. Гўзал табиатли ошён. Осмону фалакда бир-бирини қувиб, ҳузурбахш онларни ҳис этаётган баҳайбат қарчиғайлар... Маҳобатли тоғ учидаги Фозилмон кўлига узоқ тикилиб қолдим. Ёнғоқ сояси мағрибга қиялади. Атрофда бир шаклда ўсиб ётган, зоғаса, ирғий, заранглар орасидан гоҳ кўтарилиб, гоҳ ғойиб бўлиб сой чопади. Барглари йирик-йирик шакарак, учи ғўзаникига ўхшаш, аммо тиконли ғўзабош, майда-майда, нафис япроқли чаканда, ялпизни эслатувчи кийик ўтларга дамба-дам дуч келавердик. Сийрак туманлар оқиштоб товланади. Оҳактошли қоялар, улар узра учиб юрган бургутлар бу жойларни батамом ўзиники қилиб олганди. Оҳ, мундай суюк манзараларни тушингдаям кўриш маҳол! Беш қулочча юксакликдан тушаётган оппоқ шаршара! Шу овлоқ, мунис жойга зап ярашган. Очиғи, бундай кўркам, бундай баҳаво жойлар табиатда ниначалик ҳам кўп учрамайди.

Юксакдаги қорга чулғанган чўққида лола баргагидай шуъла сочилиб турарди. Бу – қуёш нурлари эди. Яқиндай кўринган, аслида ҳеч қандай тирик жон ета олмайдиган уфқ айланасида гўё нур дарёси вужудга келганди. Қорамтир осмонга тушиб чиққан тумонат юлдузлар аниқ-тиниқ кўрина бошлади. Дарвоқе, чексиз ва интиҳосиз яйловлар ўртасидаги кўл қўним топган манзил кичик Фозилмон тоғи деб аталади. Катта Фозилмонни “Ҳаётбоши” ёхуд оддийгина “Фозилмон” деб атайдилар. Фозилмон кўли юқорида айтилганидек, денгиз сатҳидан бир минг олти юз эллик метр баландликда вужудга келган. Кўлга фақатгина биттагина чашма сув қуяди. Қишда сув юзи қалин муз билан қопланади. Унда чўмилиш тавсия этилмайди. Сатҳида осмон аксини (айниқса, юлдузларнинг жуда ноёб ҳолатини) кузатиш мумкин.

Ложувард тоғ тепасидаги афсонавий текисликларни кўздан кечирдик. Сирли кенгликларни ва шошқин сойларни кезиб, Бешбармоқ чўққисига чиқдик. Бу қалтис, гўзал ошёндан тизма тоғлар этагидан бошланиб, қозоқ овулларига қадар туташиб кетган саҳро осмон янглиғ тубсиз ва зангор кўринади. Бу шаффоф жойдан завқ олиб, Синтоб қишлоғига эна бошладик...

Улуғбек ЖУМАЕВ,
журналист.

НАСР

МАТТИ МАПИЙ

(ҳикоя)

Шуҳрат МАТКАРИМ

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари.

Куз қуёши атрофни эринибгина қиздирар, шўрдан нураб тирноғи тешилган бетон плитали девор тагида “полк ўғли” – семиз Мош ётарди. Қалин, ғуж бўлиб ўсган, сарғайиб битган ажриқ устидаги мушук ҳам сап-сариқ, уни тўшаги – сариқ ажриқдан бирданига ажратиб олиш ҳам мушкул эди. У ҳозиргина қорнини яхшилаб тўйдирган, кўзлари беихтиёр юмилиб-юмилиб кетарди. Мушук ўт устига бор бўйи билан чўзилган, ҳар вақт-ҳар вақт узун думини эринибгина ўйнатиб-ўйнатиб қўяди.

Шавкат мушукка Матти мапий деб лақаб қўйган.

Шавкат ёш мутахассис – ветврач. Ориқ ва бўйдор йигит. Матти – Матқурбон улар ишлайдиган “Паррандачилик фабрикаси”нинг кушхона цехи бошлиғи, фабрикадаги энг катта “авторитет-мапий”. Фабрикада Матқурбоннинг отини эшитган ҳар ким ҳам бир тискинади. Унинг салдоми шу даражада. Ўзи нақ 150 кило келади, салобат билан юрса қорни тоғорадан ошган хамирдай баланд-паст, ўнг-чапга салдирайди. Овози бўғиқ, хирилдоқ. Ҳар сўзи ҳукм каби янграгани учун унинг оғзидан энг яхши гаплар ҳам қандайдир ёқимсиз эшитилади. Матқурбон одамларга ҳам лақаб қўйишни хуш кўради. Бу унинг ёқимли эрмаги. Шавкатга қотирмоч, қозоқчирой директорга Шеше, гавдали бош бухгалтер опайга К-750 деган ва ҳакоза. Халқ уни Мапий – мафия, деб қўйган.

Фабрикадаги ҳамма Матти мапий ташлаган суякни ғажийди. У ҳар кимга вазни ва хизматига яраша улуш беради. Айтиш керакки, бу улуш ўйнаб-кулиб оила тебратиш, жой солиб, машина минишга бемалол етади. Ҳамма маош билан тирикчилик қиладиган замонлар учун бу жуда катта гап эди, албатта. Матти мапий бегона аёлларга илакишган эркакларни жинидан баттар ёмон кўрарди. Бу гапнинг дарагини эшитганданоқ “айбдор”нинг “паёк”и шартта ярмига қисқарарди. Бир оғиз эътироз ва “паёк”нинг яна тенг ярми куйиб кетар эди. Аёллар билан ўйнашаман деганлар ярим “паёк”ка рози бўлар, бўлмаса, оқ тавба-қора тавба қилиб, дарров тузалиш йўлига ўтиб олардилар. Тўғриси, бундайлар кам эди. Одатда, “ўйнаш суйган”ларнинг кўпи эт қизувида тўрва халтасини йиғиштириб фабрикадан жўнаб қолар, кейин сувга тушган мушукка ўхшаб Маттининг пойида тиз чўкиб ўтирар эди. Матти бу масалада аёвсиз эди.

Шавкат ҳар сафар мушукни “Матти мапий” деб чақирганда орияти ором оларди. Мушукни у, албатта, минғилаб чақирарди. Овози шу даражада паст бўлардики, баъзан ўз овозини ўзи ҳам эшитмасди. Бу жуда хавфли иш эди-да. Мапий бунинг шонглоқини эшитса ҳам Шавкатнинг икки оёғи осмондан келарди. Шундай. Мапийнинг кўнглига ўрнамаганлар аста-аста ўринларидан йилишиб кетаверар, директорми, бош инженарми ё бошқами, бунинг фарқи кам эди. Матти мапий эса мана минг йилдан бери шу ўтирган ерида муқим. Уни ҳеч ким ва ҳеч нарса ўрнидан жилдиролмайди. У фабриканинг ҳам ўраси, ҳам гўри, ҳам кафани. Бир сўз билан айтганда, мапий — мафия.

Шавкатнинг фабрикада иш бошлаганига тўрт-беш йиллар бўлди. У бу ердаги ишларнинг қочиқларини деярлик ўрганиб бўлди. Комбинат шунчалик катта, муносабатлар шунчалик чигил эдики, киши онгқилдоқ бўлса бир кунда чувалашиб, адашиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Масалан, баъзи шу ерда ўн-ўн беш йиллар ишлаган кишиларни кўзини боғлаб улкан корхонанинг бир чеккасига олиб бориб ташланса, йўлини тополмай қолар эди. Лекин бу ерда бир нарсада асло адашмас эдилар: олди-берди ва ҳақларини сабаб олишда. Асосий шиор, “Олдим ғўз-бердим ғўз”. Буни ҳамма яхши билар ва бу шиорга асло қасд қилинмасди. Чунки унга шак келтириш ўз оёғига ўзи болта уриш билан баробар эди. Ишчилар ўз цехларидан олти одим нарига чиқмас, ишга бир йўналишда бориб, шу йўналишда қайтар эдилар. Улкан фабрика ичида қонғибизғиб юришга ҳеч кимнинг ҳаққи ҳам, зарурати ҳам, иштиёқи ҳам йўқ эди. Чунки ҳар кимнинг иши маълум, оладиган “паёк”и маълум, юрадиган “чиззиғи” маълум эди. Ким сал адашса, унинг устида Мапийнинг таҳдидли овози янграб қолар эди: “чиззиғингдан юри, чиззиғингдан!” Бу ерда ойлик маош яқин атрофдаги корхона ва ташкилотлардагидан анча юқори, “паёк”ни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, манглайига “Паррандачилик фабрикаси” деб ёзиб қўйилган бу дарвозадан кириб-чиқувчилар – хоҳ катта бўлсин, хоҳ кичкина бўлсин, ҳар бирининг “гулдай ўнгишиғи”и бор эди. Фабрикага ишга жойлашиш қийин эди. Шу сабаб бу ерда ҳар ким ўз иш жойига мушук тирноғини сичқонга ботиргандек ботирар ва ҳеч бир сабаб билан уни бўшатиш ва ўзи ишдан бўшаб кетишни истамас эди.

Лекин Шавкат худди мана шу Матти билан бир “ташлашиб кўришни” кўнглига туккан эди. Бу фикрга у фабрикадаги ҳамма кирди-чиқдиларнинг тагига аниқ кетканидан кейин келди. Мапий Шавкатга “қонуний” тегишли бўлган “паёк”ининг ўндан бирини ҳам бермас экан. Шавкат пулнинг ичида ўсган бола, бу нарсаларни яхши билади. Отаси бир вақтлар Мапийдан кам бўлмаган рутбада бўлган — катта бир савдо ташкилотининг омборчиси эди.

“Мош худди шу Матти мапийга ўхшайди”, ўйлади Шавкат мушукнинг ётишига қараб. “Кўринишдан жуда юввош, лекин ўлжасига шундай тез ва сассиз ташланадики...” Шавкат ташвишли жилмайиб қўйди. Ҳа, Мапий билан ўйнашиш ўйин гап эмас эди. Бу курашда ё ғолиб чиқиш ё йитиб кетиш керак бўлар, учинчи йўл йўқ. Лекин Шавкат ғажир бола эди ва унинг йигит юрагидаги ғужур онги ва вужудини тобора курашга шайлаган эди. Ётса ҳам, турса ҳам Шавкатнинг кўз олдида бир кўриниш намоён эди: шу бугунги мағрур Матти унинг қошида бош эгиб турибди.

Айни туш пайти эди. Ҳар ким ини-инига уриб кетган. Ким овқатланар, ким тушлик қилиб бўлиб, чекка-чеккада мизғир, дам оларди.

– Ҳаа, на гап? – деди Шавкат тушликни тамом этиб четроқдаги бостирма тагида қарта ўйнаб ўтирган учтўрт ишчи ёнига яқинлашар экан. – Бекорчиликми?

Ишчилар Шавкатга бир қараб қўйдилар-да, саволга жавоб бермай ўйинда давом этдилар. “Сен Мапиймисанки, биздан ҳол сўрасанг”.

– Қарта ўйнаганча бир фойдалироқ иш билан шуғуллансангизлар бўлар эди.

Йигитлар энди унга ҳатто қайрилиб ҳам қарамадилар. “Нердан келиб қолди бу мағзава?”

Шу пайт кичкинагина, бурни юзининг деярли ярмини эгаллаган Комил асабийлашиб қўлидаги сўнгги қартани ерга тортиб урди.

– Ҳей, ан-нанг-нии... – кейин қалтироқ қўллари билан тўзғиб кетган жонсиз, сариқ сочларини текислаган бўлди. – Инди сен билан ўйнамиймай, Режжи. Ҳеч қўлни қўшиб ўйнаб билмийсан.

– Ҳо-ҳо-ҳоо! – кулди Режжи – Ражаббой. – Калланг қурсин сани Комми! Агар сен бўлмасанг мен эйём беш марта тузга чиқар эдим. Ўзи сани ўтингга ёниб ётибман. Уттирдингми, икки товуқ санинг бўйнингга.

– Жиллимисан-ай, сан! – баттар асабийлашди Комил. – Бугун эмас, эртанг инди. Мапийдан сўраб кўраман. Берса берди, бермаса юмурта бераман.

– Иби, иби, – деди Ҳамро – буларни ютган томон. – Юмуртангни уйингга олиб бориб хотинингга бостир. Юмурта ўзимизда ҳам бор. Сен бизларга икки товуқ уттирдинг. Шуни чиқар.

Шавкат бу йигитларнинг ҳар кунги “паёки” бир коробка юмурта эканлигини билар эди. “Демак, улар бу сафар товуқдан ўйнабдилар-да”. Ўйинчилар ютуқ ҳақида қирқилишар, бир қарорга кела олмас эдилар.

– Менга қаранглар, эй уттирганлар! Сизларга бир таклиф бор.

Шу пайтгача одаммисан – йўқмисан, демаган қартабозлар, айниқса, икки товуқ уттириб, не қиларини билмай турган жуфтлик Шавкатга кўз ташлашди.

– Нн.. ничик таклиф? – сўради Комил иложсизликдан бўйни зўрға ёр бериб. – На гап?

– Деловой гап, – деди Шавкат қўл соатига қараб қўяр экан. – Ҳозир иккинчи цехга борамиз. Шу ерда айтаман не гаплигини. Бир иш этамиз. Ҳар қайсингизга икки товуқ. Бўлами?

– Уҳ! – деди Ҳамро тиржайиб. – Зўр-ку! Мапий билами?

– У билан ишингиз бўлмасин. Сизлар ишни битирасизлар, икки товуқни оласизлар. Бошқаси “Ўрага сичқон тушди – гулдур-гуп!”

– Гулдур-гуп! – Шавкатнинг Мапий тилга олинганда мутлақо тискинмагани ҳамиша хавфли ишларга хуморвоз Ҳамрога ёқиб тушди. – Кетдик!

Ҳамро шаҳд билан йўл бошлаган бўлса-да, бошқалар бироз ишончсизлик билан қўзғалдилар.

– Яна бир гап чиқиб қолмасин, – Комил бу ерда қандайдир ёмон иш бўлиши мумкинлигини тахмин қилди. Қўрққанидан овози ҳам сал-пал қалтираб чиқди. – Матқурбон оға билиб қолиб...

— Аййй, – Ҳамро Комилнинг калласидан “шапка учирди” – енгилгина ҳаракат билан Комилнинг бош кийимини уриб тушурадигандек харакат қилди. – Қўрқавармасанг-а!

– Бир гап бўлса, сени айтаман, – Ҳамрога чақчайди у. – Яхши, яхшии...

Шавкат ўриндиқлари олиб ташланган “Запорожец”га тўрт йигитни тиқиб фабриканинг бир чеккасига олиб борди. Ҳамма ерни оқбош, ёнтоқ ва қамиш босиб ётганлиги бу ерларга бу яқин орада одам оёғи тегмаганлигидан дарак берар эди.

– Даа, – деди Ҳамро теварак-атрофга ҳайрон тикилар экан. – Фабриканинг иккинчи цехи қуриб бошланди, деб эшитган эдик. Ина, ничик акан иккинчи цех.

Ҳақиқатан ҳам бу ерда фабриканинг иккинчи қисми, катта мажмуа қурилган, ҳамма нарса ишга тахт бўлиб, фақат унинг очилиш маросини ташкил этиб, қизил лентани кесишгина қолган эди. Аммо шу ерга келганда юрт ағдар-тўнтар бўлиб, бу бўлак ишга тушмай қолган ва мана йиллар давомида аста-аста чириб битмоқда эди.

— Бугунги ишимиз, – деди Шавкат қамиш босиб ётган биноларга ишора қилиб. – Ина шу газ трубаларни уч метрдан 10-15тасини кесиб, “Заппи”нинг устина тахлийиз.

— Биров кеп қолсаа, – Комил қошларини кериб турганларга бир-бир қараб чиқди. – Ҳаммамизнинг кетимизга тепадилар.

– Ҳеч ким келмийди, ҳеч ким тиймийди, – Шавкат уларнинг ҳар бирига аввалдан тайёрлаб қўйган темир кесадиган майда тишли арраларини тутқазди. – Агар мабодо биров келиб қолганда ҳам ветврач Шавкат айтди, ина, устимизда турибди, деб мени кўрсатиб тураверасизлар. Бошқаси билан ишингиз бўлмасин. Ҳар қайсингизга икки товуқ, ина, мошинда тайёр турибди.

Йигитлар аввал ҳайиқиб, у ёқ бу ёққа қараб, қўрқа-писа иш бошладилар.

– Тез-тез бўлинглар! – деди Шавкат. – Ярим соатдан сал кўп вақтимиз бор. Мен ҳозир келаман

– Нн...нерга?! – сўради Комил қўрққанидан тишлари таккиллаб. – Биров кеп қолсаа..

– Ҳеч ерга кетмийман, анави зданиенинг орқасини кўриб келаман, – деди Шавкат Комилнинг чумчуқураклигидан истеҳзоли кулиб. – Кеч-печда кўчага ҳам чиқмасангиз керак.

– Чиқади! – Хохолаб кулди Ҳамро. – Қурвонжон билан бирга чиқади.

– Айй, харропп, – деди Комил тиришиб. – Ўзингнинг хотинингга маҳкам бўлавар.

– Хо-хо-хоо!

Шавкат жангал, тикан, шўра ва қамишларни оралаб улкан бинонинг орқа томонига ўтди. Шўр очган, пўлсилдаб ётган майдонда улкан машиналарнинг излари бисёр эди. Бу ердаги бинолар каламуш кемирган пишлоқ бўлакларидай бир бошдан емириб, кўчирилаётган эди. “Булар беш-ўн метр трубадан қўрқиб ўтирибдилар”, ўйлади у унинг топшириғи билан ишлаётган ишчилар ҳақида. “Эҳ, ишчи халқи барибир содда бўлади-да”.

У айланиб машинасининг олдига келганда йигитлар ишни якунлаган эдилар. Яна тиқилишиб “Запорожец”га миндилар. Уларни олган ерига туширар экан, Шавкат уларнинг ҳар бирига икки товуқ солинган халтача узатди.

– Эртанг ҳам шу вақтга тайёр бўлинглар, – деди у . – Эртанг батария оламиз. Оғирроқ иш. Шунинг учун эртанг ҳар кимга уч товуқдан.

– Ҳай, – деди Комил. – Буларни қоровул сўраса нонви диймиз?

– Ветврач берди, денглар!

Шавкат ўғирлик трубалар устига ортилган “Заппи”сини олиб бориб тўғри фабриканинг темир дарвозасига тиради. Будкасида ўтирган қоровул “Запорожец”нинг устига намойишкорона уюлиб боғланган трубалар ҳақида суриштиришни режалаштириб ўрнидан оғир қўзғалди. Шавкат чўзиб сигнал берди.

– Тез бўл! – деди Шавкат буйруқ оҳангида қўрслик билан. – Бу на қиймилдомийсан?

Қоровул қандай чаққонлашганини ўзи ҳам билмай қолди. Тезлик билан темир дарвозани бир томонга куч билан сура кетди.

– Қўзғал, қўзғал! – деди Шавкат. – Ухлаб ётибсанми ё?

Машина деярли дарвозадан чиқиб бўлгандагина қоровул ўзига келди.

– Ббу... на труба, не ерга борётир?

– Улли “Камаз”лар нерга борган бўлса шу ерга! – деди Шавкат. – Маҳкам бўл!

Шавкат машинасини асфальт йўлда шамолдай елдириб борар экан, “Бу Матти мапийсини ҳам қуёшламада ётмийдовун этаман”, деди ўзига ўзи.

Муаллиф ҳақида:

Шуҳрат Маткарим — 1960 йилда Туркманистоннинг Тошҳовуз туманида туғилган. 1985 йили Хоразм Давлат педагогика институти (ҳозирги УрДУ)нинг филология факультети инглиз тили ўқитувчиси ихтисослиги бўйича тамомлаган.

Таниқли ўзбек шоири Матназар Абдулҳаким ҳақидаги “Устоз ҳақида сўз” хотира–эссеси, “Кун шундай бошланади” (2017 йил) қисса ва ҳикоялар тўпламлари чоп этилган.

“Йилон”, “Салав”, “Қум этагида Оқ уй”, “Мақар” каби қиссалар муаллифи.

Машҳур инглиз адиби Эрнест Хэмингуэйнинг новеллалари ва таниқли рус адиби Василий Шукшиннинг қатор асарларини аслиятдан ўзбек тилига таржима қилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ҲАНГОМАЛАР

Баҳром АКБАРОВ

ТАХАЛЛУС

Кечки оқшом телевизор кўриб ўтиргандим, бешик кўрпача тикаётган хотиним сўраб қолди.

— Дадаси, қўшниларимиз: “Эрингиз ёзувчи экан. Қанақа ёзувчи?”, деб сўраб қолишди. Нима дейишни билолмай қолдим, – деди у тикаётган кўрпачасини нари суриб. Бу савол мени ҳайрон қолдирди.

— Оддий, – дедим гапининг давомини кутиб.

— Оддийликка оддийку-я, катта ёзувчимисиз ёки ўртача?

— Албатта, катта ёзувчиман, – дедим мақтангандай.

— Нега унда ҳалиги, нимайди-я, ҳа, эсимга тушди, тахаллусингиз йўқ?

— Тахаллус?

— Ҳа, ҳа, тахаллус. Катта ёзувчиларда бўлар экан-ку. Мана, масалан, ҳмм... Ойбек, ҳа, ҳа, Ойбек, – деди у ўзининг топқирлигидан севиниб. – Ойбек, бу ёзувчининг тахаллуси. Тўғрими?

—Тўппа-тўғри. Шу масалани ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман, – дедим ҳазиллашиб.

— Ўйланг, дадаси, ўйланг. Ўзингиз Абдулла Қодирийни айтгансиз-ку, тахаллуси кўп бўлган деб.

— Ҳа, буюк ёзувчининг тахаллуси кўп бўлган: Жулқунбой, Думбул, Овсар...

Хотиним шу ерга келганда ўзини кулгидан тутиб тура олмади.

— Нега куляпсан? – дедим ҳайрон бўлганча.

— Охирида нима дедингиз?..

— Овсар, нимайди?

— Жуда зўр тахаллус экан.

— Ўзимга шундай тахаллус қўйсаммикин?

— Зўр бўлади! Овсар! Қодирий ҳам хурсанд бўларди.

Хотинимнинг бу гапига ҳайрон қолганча қараб қолдим. У бирдан жиддий тортди.

— Йўғ-е, бу тахаллус сизга тўғри келмайди.

— Ҳозир ўзинг мақтаётгандинг-ку.

— Тўғри, лекин ўйлаб қарасам, қўшни хотинлар мени Овсарнинг хотини келяпти, дейишларини хоҳламайман.

— Ундай бўлса шафқат дейман.

— Бўлмайди, сизда шафқат йўқ.

— Севикли ёр, дейми?

— Севикли ёр?! Кўнгилни қаранг-у! Жуда бачкана.

— Нега бўлмас экан? Қўшни хотинлар сени “Севикли Ёр”нинг хотини келяпти дейди. Нимаси ёмон?

— Ўйлаб гапираяпсизми? Қаёқдаги гапларни топасиз-а. “Севикли Ёр” эмиш...

— Топдим! Исмимнинг ёнига Шоҳ сўзини қўшаман.

— Шоҳ?! Қанақа шоҳ?! – ҳайрон бўлиб сўради у.

— Нима, шоҳ кимлигини билмайсанми? Шоҳ бу Шоҳда.

— Ҳа... Подшоҳ дегандай, – деди суюниб ва ўрнидан туриб қўлларини ўйнатганча ёнимга яқинлаша бошлади.

— Ҳой, ҳой, хотин, ўзингни бос. Ўғлимиз келиб қолади-я.

— Келса келаверсин, дадаси. Ана энди зўр тахаллус топдингиз. Қойилман!

У айланиб ўйинга тушар даражада хурсанд эди.

— Ниҳоят орзуйимга эришдим, – дея тепамга келиб кулди. – Энди мен маликаман.

— Нима, қанақасига малика бўласан?

— Сиз шоҳ бўлсангиз, мен малика бўлмай ким бўламан?.. Ахир шоҳларнинг хотини малика бўлади-ку! Ё эсингиздан чиқардингизми?.. Ахир тарихни зўр билардингиз-ку!

Бундан кейинги воқеалар нима билан тугашини ўйлаб, бу тахаллусдан воз кечишга қарор қилдим, аммо Малика сира унамаяпти. Бу энг зўр тахаллус эмиш. Нима қилай?.. Бошим қотди... Тезроқ бошқа тахаллус топишим шарт. Бўлмаса, уйимдаги Малика бошимда ёнғоқ чақади...

МАҚТАНЧОҚЛИК ОҚИБАТИ

Эрталаб чой ичгани ошхонага кирсам хотиним деразага қараб бир нуқтага тикилганча хаёл сурарди.

— Нечун эрталабдан хаёлингиз паришон? Нималарни ўйлаб ўтирибсиз, хоним? – дедим кайфиятини кўтариш мақсадида ҳазиллашиб.

— Э... – деди у хомуш оҳангда. – “Ипподром”дан бешик учун олиб келадиган материалларим бор. Шуларни қандоқ олиб келсам экан, деб ўйлаб ўтиргандим. Мундоқ сиз ёрдам бермасангиз.

— Ўғлингга айт.

— У ишга кетди.

Бу гапдан сўнг суҳбат ёпилмаслиги учун мавзуни ўзгартиришга қарор қилдим. Чунки бозорга боргим йўқ эди.

— Аммо кечаги қариндошингникидаги тўй ва одамларнинг гапи зўр бўлди-да, – дедим чойдан ҳўплаб.

— Нимаси зўр бўлди?

— Одамлар ҳам қизиқ. Анови қариндошинг бор-ку, Шоди олифта. Кеча менга ёқадиган зўр гап айтди-да. Эшитсанг, қотасан.

— Нима деди?

— Хафа бўлмайсанми?

— Айтақолинг. Жа, резинкадай чўздингиз-да гапниям.

— Сени кўрсатиб: “Бу опачангизми?”, – дейди.

Хотиним бу гапдан ҳушёр тортди. Қошлари чимирила бошлади.

— Хўш, сиз нима дедингиз? — деди у бироз ўқрайганча.

— Сендан ёш кўринсам айб мендами? “Ҳа, топдингиз, мен унинг укасиман”, – дедим.

Хотиним бу гапдан кейин ўрнидан турди ва менга алам билан қаради-да:

— Шундай дедингизми? Наҳотки шундай дедингиз?

Унинг ғазаби ошгани сари жиғига баттароқ тега бошладим. Чунки у ғазаблганда тамомила ўзгарар, чиройига чирой қўшиларди.

— Йўқ, йўқ. Ундай демадим. Укаси эмас, укажонисиман, — дедим янада қувониб. Хотиним бу гапдан кейин бирдан жаҳлдан тушди-ю, менга айёрона қараб кулди.

— Ҳали мен опача-ю, сиз укасимисиз?

— Янглишдинг, укажониси, – дедим тантанавор оҳангда.

— Ҳали шундайми?

У нима учундир хурсанд бўла бошлади.

— Бу менинг гапим эмас. Ўша Шоди новча, қилтириқ, олифта қариндошингни гапи.

— Опача укажондан каттами? – деди у катта-катта кўзларини сузганча жилмайиб.

— Албатта. Чунки у опа-ку, – дедим гап нима билан тугашини ўйлаб ҳам ўтирмай. Чунки ўша пайтда масрур эдим.

— Опанинг айтгани қонун, ука бўйсунадими?

— Бўлмасам-чи. Ахир опа катта-ку. Хўш, нега буни қайта-қайта сўраяпсан?

Ғалаба мен томондалигига тўлиқ ишонардим.

— Ундай бўлса, – деди хотиним қувониб, – ука, йўғ-е, нималар деяпман ўзи, укажон. Мана сизга пул. Чойингизни ичинг-да, “Ипподром”дан менга керакли нарсаларни олиб келинг. Хўпми? Мушкулимни осон қилган Худойимдан ўргилай. Қани туринг, дадаси, йўқ, укажон!

Ошхонада хотинимнинг ғолибона шодон кулгиси янграр, мен эса нима дейишни билолмай гаранг эдим...

КЎЙЛАКДАГИ ЯНГИ ФАСОН

Ишдан келсам, хотиним хурсандлигидан ўзича минғирлаб ашула айтиб ўтирибди.

— Ҳа, хотин, намунча, лотереясига машина ютган одамдай шодсан?

— Келдингизми, дадаси, қаранг туғилган кунингизга нима обкелдим?

У шундай дея целлофан идишдаги янги кўйлакларни қўлимга тутқазди.

— Қалай, ёқдими? – деди у севинчи ичига сиғмай.

— Яхши, барака топ. Раҳмат сенга. Мени ўйлаганинг учун, – дедим кўнглим тоғдек кўтарилиб.

— Сизни ўйлайман-да, дадаси, сизни. Бошқа кимни ҳам ўйлардим?

— Унда нега иккита бир хил кўйлак олдинг?

— Ҳа, энди биттаси ўғлингизга-да. Ота-бола бир хил кийиб юрсангиз деган мақсадда олгандим. Сиз каттасиз, ўзингизга ёққанини танланг. Дазмол уриб қўяман. Эртага ошга кийиб кетасиз.

— Танлаб нима қиламан? Иккаласи ҳам бир хил ўлчамда бўлса, фасони ҳам, ранги ҳам копия деяпсан-ку.

— Э... танланг дегандан кейин танланг-да. Ўғлингиз танлаб ўтирмайди.

— Ҳа, майли, – дедим ноилож. – Мана буниси менга бўла қолсин.

— Яхши. Буниси ўғлингизга қолади. Бозорда очиб ҳам кўрмовдим. Қани бир кийиб кўринг-чи.

Кўйлак қадди-қоматимга мос келди. Ёқалари ҳам ажойиб.

— Сизга жуда ярашди, – деди хотиним яна ҳам суюниб.

— Ўзим ҳам чаккимасман-да, – дедим мақтаниб.

— Тўғри, тўғри. Келинг, бу енгига белги қўйиб қўямиз.

У шундай дея қўлига нина билан ип олди.

— Белги нимага керак?

— Ҳа, энди ўғлингизнинг кўйлаги билан адашмасин дейман-да.

Эртаси куни янги кўйлакни кийиб ошга кетмоқчи бўлсам, енгидаги белги йўқ. “Оббо, ўғлимнинг кўйлагини кийиб олибман-ку”, дея ўйладим.

Шу пайт ҳовлиққанча хотиним келиб қолди.

— Шуни сиз кия қолинг, – деди у бироз хижолат бўлгандай.

— Нега энди? – дедим ҳайрон бўлиб.

— Кеча айтдим-ку, бозорда кўрмовдим деб. Мана бу ерида озгина дефекти бор экан, – деди кўйлакнинг елка қисмини кўрсатиб. – Унча билинмайди.

Қарасам... Кўйлакнинг елка қисми яхши тикилмаган. Етмаганига иккита жойида доғ бор эди.

— Нима бу? – дедим жаҳл билан.

— Ана шунақасиз-де, – деди хотиним тўнғиллаб. – Кўйлак олиб келсам ҳам гап эшитаман. Ахир болангизнинг елкалари кенг, ҳамма қарайди. Сизнинг ихчам елкангизга ким ҳам қарарди? Ундан кейин бу доғни кўрганлар кўйлакнинг фасони шунақа экан, дейди. Бемалол кийиб кетаверинг. Мен сизга атайлаб янги фасонли кўйлакни кийинг деяпман. Тушундингизми, дадаси?

ТААССУФ

ЗИЁРАТ — ЎЗИНИ КЎЗ-КЎЗ ҚИЛИШМИ?



Яқинда яқин бир биродаримизнинг бувиси Умра зиёратидан келадиган бўлди. Мени ҳам кутиб олишга айтишди. Борсам, тумонат одам. Қишлоқнинг деярли ярми йиғилган эди. Таъбимни хира қилгани шу бўлдики, кутиб олишга чиққанларнинг ҳар бирининг қўлида ё кўрпача, ё жойнамоз, ёки белбоғ. Ерга узун қилиб тўшаб ташлашди, пойандоз солишди.

— Бу нима энди, ака? – деб сўрадим қариндошимиздан.

— Кўрмаяпсизми, бувимлар муқаддас жойларни зиёрат қилиб келмоқдалар. Табаррук қадамжоларга теккан оёқлари остига тўшалган нарсалар эса ирим-сирим-да. Албатта, “Яхши ният — ярим давлат”. Бизга ҳам шундай жойларга бориш насиб этсин.

— Ахир буларнинг бари беъманилик эмасми, одатда, бундай ишлар кўз-кўз қилинмайди-ку?

— Секинроқ гапиринг, одамлар эшитиб қолишса, нақ сазойи бўласиз-а?

Очиғи, ғалати бўлиб кетдим. Туппа-тузук ўқимишли одамнинг гапини қаранг. Мен нотўғри ёки ножоиз гапирмадим, шекилли? Хуллас, зиёратчилар келишди. Уёғини гапирмасам ҳам, ёзмасам ҳам ўзингиз тушуниб олган бўлсангиз керак. Орият юзасидан маросимни кузатиб турдим. Кетиб юборишга “хурматсизлик бўлмасин”, деб истиҳола қилдим.

Минг афсус!

Жуда таниш манзаралар, шундай эмасми? Айниқса, бугун ижтимоий тармоқларда муборак Ҳаж ёки Умра зиёратини адо этиб келганларни кутиб олишда зиёратчилар қадами остига узундан-узун шолчалар, турли матоҳлар тўшалгани, ёш болани зиёратчининг оёғи остига бостирилиши акс этган видеолавҳаларни кўрмаётган юртдошимиз бўлмаса керак. Негадир шу тобда “Кўрмаганнинг кўргани қурсин” деган нақл эсга тушади.

Ана шундай ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги Фатво маркази қуйидагича муносабат билдирган:

“Ҳақиқатда умра ибодатига бориб келаётган айрим зиёратчилар ва уларнинг яқинлари билган ёки билмаган ҳолда риёкорликка йўл қўйиши кузатилмоқда. Баъзи ҳолларда умра сафаридан келганларни дабдаба-ю асъаса ила кутиб олиш, кўча бошидан пойандозлар солиш ҳолати кўпаймоқда. Бу кабилар динимизга мутлақо зид бўлиб, ундай ишларни қилаётганлар ўта жоҳил ва нодон кишилардир. Эҳтимол, бу ишлари билан улар ўзларининг Аллоҳнинг байтига бўлган эҳтиромларини ёки уни тавоф қилиб келган кишига нисбатан ҳурматларини ифодаламоқчидир. Лекин ибодатга ҳурмат-эҳтиром бу тарзда намоён қилинмайди. Аксинча, бу риёкорлик ва оғир гуноҳ”.

Ўйлаб қоласан, одамларга нима бўляпти? Ахир ана шундай дабдабали маросимлар учун қилинадиган сарф-харажатларни тежаб, ён-атрофдаги муҳтож кишилар, оилаларга беришса ҳам бўлади-ку!

Ёки яна бир ҳолат. Кўп бўлмади, бир муддат илгари ижтимоий тармоқларда бир видеолавҳага кўзим тушди. Унда бир йигит онасининг оёғи ювилган сувни қўлларига олиб ичаётгани акс этган. Ана сизга яна битта кўз-кўз томошаси! Эй, барака топкур, ҳар ким ҳам ота-онасини ҳурмат қилиши, эъзозлаши керак. “Жаннат оналар оёғи остидадир” деган пурмаъно ҳикматлар бежиз айтилмаган. Аммо... ота-она розилиги ҳаммага кўз-кўз қилиб, уларнинг оёқлари ювилган сувни ичиш билан эмас, балки фарзанд умри давомида уларнинг хизматларини қилиши, уларга нисбатан доимо хушмуомала бўлиб, азият бермаслиги билан бўлади. Шунга кўра, фарзанд ота ёки онасининг ювинган сувини ичиши ва буни ижтимоий тармоқлар орқали бошқаларга кўз-кўз қилиши... ота-онани эмас, аввало, ўзини кўз-кўз қилиш, савия, фаросатдан анча узоқда эканлигидан далолат бермайдими?

Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази қуйидагича муносабат билдирди:

“Динимизда ота-онани рози қилиш катта савоб ҳисобланса-да, уларнинг оёғи ювилган сувни ичиб, уни барчага кўз-кўз қилиш жоиз эмас. Чунки, бу биринчидан, динда ғулув (чуқур) кетиш саналади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақида огоҳлантириб, шундай деганлар: “Динда ғулув (чуқур) кетишдан сақланинг. Зеро, сизлардан олдингиларни фақатгина динда ғулувга кетишлари ҳалок қилгандир” (Имом Насоий, Ибн Можа ва Аҳмадлар ривояти).

Иккинчидан, бу ишда риё белгилари бор. Яъни, мўмин одам ҳар бир амалини холис Аллоҳ учун қилиб, имкон қадар бошқалардан яшириши лозим. Акс ҳолда, қилган амалининг савобидан маҳрум бўлади. Энг ёмони, баъзилар мана шундай ножоиз ишни қилиб, камига суратга ҳам олдириб тарқатмоқдалар. Натижада бошқалар “бу ишлар жуда улуғ амал экан”, деб ножоиз ишларни ибодат даражасига кўтариб юбормоқда. Кўр-кўрона эргашиб кетмоқдалар. Имом Раббоний қуддиса сирруҳу “Мактубот”да айтадилар: “Бирор амал шариат кўрсатмасига мувофиқ бўлсагина Ҳақ таоло ҳузурида мақбул бўлади. Аксинча бўлса, Аллоҳ таоло рози бўлмаган иш ҳисобланади. Қандай қилиб Аллоҳ рози бўлмаган иш савоб ўрни бўлсин?! Балки у жазога лойиқ амал саналади”. Демак, ота-онани рози қилиш ҳам шариатимизга мувофиқ тарзда бўлсагина мақбул бўлади...

Гап очилганда яна бир ҳолатни айтиб ўтсак. Минг афсуски, бундай дабдабали ҳолатлар оилавий тадбирларимиз, тўйларимизга ҳам бегона эмас. Айниқса, тўйларнинг кундан-кунга дабдабали тус олаётгани, кимдир пулдан, кимдир доллардан нимча кийиб, тўйга келганларнинг оғзини очаётгани ҳеч кимга қизиқ эмас, аслида. Ота-она, аввало, фарзандининг бахти-камолини кўриш ниятида тўй қилади.

Эътибор берсангиз, ҳозир ҳам ривожланган давлатларда машҳур кишиларнинг тўйи саноқли кишилар билан, оммавий ахборот воситалари ходимларидан имкон қадар яширилган ҳолда нишонланади. Оддий аҳолининг тўйи эса янада одми ўтади. Хўш, бизда-чи? Машҳурлар, айниқса, санъаткорларнинг тўйини бутун республика интернетдан бемалол тўғридан-тўғри томоша қилади. Ундаги ҳашаматли столлар, икки-учтадан қўшиқ айтиб кетаётган “юлдуз”лар, алламбало шоулар бошқалар кўнглига шундай тўй ўтказиш туйғусини солади. Худди дабдабали тўй қилинса, ёшлар бахтли-тахтли бўлиб кетадигандек. Ҳаётда эса тескарисини кўраётганимиз хаёлимизга ҳам келмайди.

Бобо-бувиларимизнинг айтишларича, бизда яқин-яқингача келин куёвнинг хонадонига бошдан оёқ ўралган ҳолда олиб келинган. Ёмон назардан асраш мақсадида келин бегоналарга кўрсатилмаган. Ҳозир ҳам қайсидир ҳудудларда бу анъана бордир, аммо кўпчилик келинни аввал “ЗАГС”га, кейин тўйхонага, сўнгра куёв хонадонига очиқ-сочиқ тарзда олиб боряпти. Аввал тўйларда келин давранинг маликаси бўлиб, ёшлар учун тайёрланган столда бош эгиб ўтирган бўлса, энди айрим келин бўлмишлар тўйнинг бошидан охиригача рақсга тушяпти, ҳатто қўшиқ куйламоқда! Кундан-кунга “замонавийлашиб” кетаётганимиздан келинимизни ҳамманинг кўз ўнгида соатлаб рақсга тушириб қўйишдан уялмаяпмиз. Аввалги куёвлар тўйда келиннинг юзини очишга рухсат бермасди, қизғанарди. Ҳозирги куёвлар келиннинг бошқалар билан рақс тушаётганига ҳам парво қилмаяпти, тўғрироғи, ор қилмаяпти. Кундан-кунга миллийлигимиздан, ўзлигимиздан узоқлашиб бораётганимиздан далолат бу!

Жадид маърифатпарварларидан Ҳожи Муин 1919 йилда “Тўй ва аза маросими ҳақинда” номли мақоласида билдирган ушбу фикрларга қулоқ тутинг-а: “...илмсизлигимиз сабабли турли маросим ва одатлар юки остинда эзилиб, мунинг учун ахлоқий ва молий жиҳатдан ғоят кўб зарарлар кўрмакда бўлғон бир миллатмиз. Бизнинг халқ “мол ва жон кетса кетсун, обрўи кетмасун”, хатна ёки никоҳ ва ё аза маросимини ўрнуға кетурмак учун қўлларида бор нарсаларини 1-2 кунда барбод этадилар, қарздор бўладилар. Қарзларини адо эта олмағач, охири, “молни одам топар, одамни мол топмас”, деб ўз боғ ва ҳовлиларини сотиб, қарзлариға бераралар”.

Таассуф... Орадан салкам 100 йил ўтса ҳамки, ҳамон деярли ўша-ўшамиз...

Яна мавзуга қайтсак. Хабарингиз бор, ўтган йилнинг 22 декабрь куни Президентимиз раислигида Республика Маънавият ва Маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилган эди. Мана шу учрашувда Давлатимиз раҳбари Ҳаж ва Умрага бориб келган ҳар бир юртдошимиз маънавият тарғиботчиси бўлиши керак деган фикрларини илгари сурди.

“Маълумки кейинги йилларда Ҳаж, Умра зиёратларига кенг йўл очяпмиз, минглаб фуқаролар мана шундай қутлуғ зиёратларга бориб келаётганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Бу борада илгари ҳам айтган бир фикримни такрорламоқчиман: Ҳажга, Умрага бориб келган ҳар бир юртдошимиз маънавият тарғиботчиси бўлиши, одамларни яхшиликка бошлаши керак. Афсуски, ҳамма жойда ҳам шундай бўлмаяпти. Зиёрат баҳона ўзини кўз-кўз қилиш, манманликка берилиш каби бизга ярашмайдиган хунук ҳолатлар кўзга ташланяпти. Булар, албатта, барчамизни ўйлантириши керак”, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳақ гап. Биз — ўзбекмиз. Томири минг йилларга бориб тақалувчи элатмиз. Бизнинг миллатимизга хос тўй-маросимларимиз бор. Улар ҳақиқий хурсандчилик билан, ҳаётимиздаги энг ёрқин кун сифатида муҳрланишига нима етсин. Хоҳ тўй бўлсин, хоҳ чақалоқни туғуруқхонадан кутиб олиш, хоҳ Ҳаждан қайтган бобо, бувиларга, ота-оналарга эҳтиром кўрсатиш бўлсин. Муҳими, барчаси ўзаро меҳр-оқибат, ҳурмат-иззат, одоб, ҳаё, камтарлик деган тамойилларга монанд тарзда кечиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Яқинда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбари, муфтий Нуриддин Холиқназаров Умра зиёратидан қайтганларни кутиб олишдаги исрофгарчиликлар, ортиқча дабдабаларга муносабат билдираркан, шундай деди:

“Муҳтарам Умранинг ниятида юрган ҳожи ота, ҳожи оналаримиз... Агар Аллоҳ таоло мени Каъбатуллоҳ тавофига мушарраф қилса ёки Пайғамбаримиз Муҳаммад С.А.В. равзаларига бориб намоз ўқишни, ул зотнинг қабрларига қараб салавот-у саломлар айтиш бахтини берса, ушбу ибодатдан қайтиб келганимдан кейин ҳеч қандай риё қилмасликка, исроф қилмасликка, балки ҳеч бўлмаганда икки камбағал оилага қўлдан келганча яхшилик қилишга Аллоҳ насиб қилсин, деб ваъда қилинг. Агар йилда 70 минг нафар одам Умрага бораяпти десак, ҳозирга қадар 40 мингга яқини борди. Агар ҳар бир 40 минг киши иккитадан камбағал оиланинг бошини силаса, 80 мингта оиланинг хонадонига бахт кириб боради.

Сиз ўзи Умрадан келгандаги тадбир-у маросим, исрофгарчилик, риё, хўжакўрсин маросимга кетадиган харажатни иккита камбағал оила боласининг мактаби учун, таълими учун берсангиз эди, ёки боласини даволатиш учун, ота-онасини даволатиш учун дори излаётган одамга берсангиз эди, бугун топгани ошга, нонга етиб, зўрға яшаётган азизларнинг хонадонига ўша хурсандчиликни киргазганингизда эди, унинг савоби бу дабдабабозликдан чандон-чандон кўп бўлар эди”.

Хўш, муфтий ҳазратларининг бундай ажойиб даъватларига нега муносабат, амалий муносабат йўқ? Нега жиммиз? Наҳотки, дабдаба, ким ўзарга мусобақа афзал айрим юртдошларимиз учун?!

Минг таассуфки, глобаллашув шароитида моддий чегаралар тобора нисбийлашиб, маънавий қадриятлар аста-секин умумийлашиб бориши кузатилмоқда. Бундай паллада эса миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш, миллий ўзликни англаш ва қадрига етиш тушунчалари устувор мақсадга айланмоғи лозим. Зеро, миллий ўзликни англаш ва қадрлаш жараёни маънавий қадриятларимизнинг пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Ислом АСИЛБЕКОВ.

ТУЙҒУ

ВАТАННИ КИМ АСРАЙДИ?

Абдумалик билан Ҳулкарой айвончада ёғоч ғиштдан уйча ясаб ўтиришар эди. Машинасини ипидан тортиб юрган Фарҳод ёғоч уйчани атайлаб туртиб ўтди. Ғиштлар зарбдан бирин-кетин ерга сочилди.

— Бу нима қилганинг, Фарҳод? Бу бизнинг уйимиз. Сен уни бузиб ўтдинг, – деди Абдумалик.

— Ундай бўлса, йўлда ўйнама! – деди Фарҳод.

Болалар ясаган уйчасининг атрофини баланд девор билан ўради.

— Мана энди уйимизни ҳимояладик. Уни ҳеч ким бузиб ўтолмайди, – деди Ҳулкарой.

Кичкина Абдумалик опасининг кўзига қараб турди-да, “ҳимоя дегани нима ўзи?” деганча саволга тутди.

— Бу қўриқлаш, асраш, авайлаш дегани.

— Қўриқлаш нима учун керак?

— Уни бегоналардан асраш учун. Масалан, совуқда эгнимизга қалин кийим кийиб, танимизни совуқдан асраймиз. Яшаб турган уйимизни қўрғондевор солиб, хавф-хатардан ҳимоялаймиз. Ватанимизни эса аскарлар қўриқлаб асрайди, – деди Ҳулкарой. — Акамга ўхшаган аскарлар.

— Эҳ-ҳе, шунча катта ерларни ҳимоя қилишадими?

— Ҳа! Аскарлар кун-у тун чарчамасдан чегараларни қўриқлайди. Унинг ҳар бир қарич тупроғини бегоналардан, ёмонлардан асрайди. Акам шундай деганлар.

— Катта бўлсангиз, сиз ҳам аскар бўласизми?

— Мен аскарнинг опаси бўламан. Чунки Ватанни ўғил болалар ҳимоя қилади, – деди Ҳулкарой.

Абдумалик бироз ўйланиб турди-да: “Сизни, уйимизни, Ватанимизни ўзим ҳимоя қиламан!” – деди.

Дилноза ШУҲРАТОВА,
Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги
274-мактаб ўқувчиси.

РАССОМ ХАНДАСИ

Ҳабибулло МЎЙДИНОВнинг телеграм каналидан олинди.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Адади: 4 005
Буюртма — Г-144

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5 6

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 23⁰⁰

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.